

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ / Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan / www.uzas.uz / 2016-yil 23-dekabr №52 (4399)

*Не-не халқлару турфа эл-элатлар тинчлик истаб, ҳаловат излаб зору сарсон кезиб юрган бу кўҳна заминда жаннатмакон она Ўзбекистонимиз яна бир янги даврга қадам қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “**Биз муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз**”, деб таъкидлар экан, “бу йўлнинг эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам замини” эканлигидан бениҳоя ифтихор қилдик. Бинобарин, янги даврнинг кўркам иморати ўтган чорак асрда эришилган ва мустаҳкам қилиб қурилган мустақиллигимизнинг олтин пойдевори устида қад кўтаради ва ундан куч-қудрат олади.*

УЛУҒ ЙЎЛНИНГ ДАВОМИ

Ифтихор

Ана шу янги даврдаги илк қадамларимизнинг ўзиёқ улуғ ва қудратли халқимиз иродасини, унинг кўнглидаги орзу-истакларни рўёбга чиқариш мустақиллик замони тарих майдонига чиқарган йўлбошчиларнинг эътиқоди ва қалб амрига айланганини яққол намоён этаётир. Халқни янада қашшоқ ва тобе этадиган ҳукмлар унинг номидан ўқилган, не-не сохта тарихлар халқ номидан тўқилган мустабид тузумлар асоратидан қутулиб, **“эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда қурадиган”** ҳуррият замонида яшаётган эканмиз, бошимизда офтоб безавол нур соча бошлаганининг далолати ҳам айни шудир.

“Биз 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилдик. Лекин, ҳаммамиз тушунамизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш – бу биз учун фақат бир йиллик иш эмас, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. — **Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки, биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз.**

Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.

Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан.

Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.

Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади.

Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”.

Президентимизнинг барча тоифадаги раҳбарларга қарата айтган ана шу ғоятда муҳим гапларидан чиқадиган хулоса шуки, ҳар қандай ишбоши ўзининг элпарвар раҳбар эканини амалда намоён этмоғи керак. Негаки, халқ ҳамма нарсани кўриб ва билиб туради. Бироқ андишали эл дилидагини рўй-рост айтишга кўпинча истиҳола қилади. Агар унинг дилидаги гапларни билишга иштиёқманд мард раҳбарлар топилар экан, халқ кўнглидагини айтмасдан қаёққа боради?

Мамлакатимизда сўнгги ойларда бўлиб ўтган муҳим сиёсий жараёнлар, Президент сайлови муносабати билан турли доирадаги учрашув ва мулоқотлар, давлатимиз раҳбарининг Конституция қабул қилинган куннинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида муҳокама этилган масалалар, халқимиз ҳаётини янада фаровон этишнинг дастурий йўналишларига доир муҳим ҳужжатлар билан муфассал танишиб бораётган юртдошларимиз Ватанимизнинг яқин йиллардаги ойдин тараққиётини тўкис кўз олдига келтирмоқда. Ана шу тараққиёт йўлини ўзида мужассам этувчи янгидан қабул қилинган қонун ва қарорлар, Президент фармонлари халқимизнинг бахтли келажагини таъминлашга хизмат қилади. Бу ўринда **“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”**ги, **“Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”**ги қонунлар, **“2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”**ги Президент Қарори, **“Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги, **“Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Президент фармонлари, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида мамлакат вилоятларига ташрифлари, улкан ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга қаратилган йирик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, муҳим энергетика мажмуалари ва саноат иншоотларини модернизациялаш жараёнлари, эркин индустриал зоналар фаолияти билан танишув ҳамда шундай янги зоналар ташкил этишга доир кўрсатмаларини назарда тутмоқдамиз.

Давлатимиз раҳбари Президентлик лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимдаги нутқида **“Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз. Бу борада буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!” деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур”**, деб таъкидлади.

Шу ўринда буюк аждодимиз Абу Наср Форобийнинг “Қонун фаровонлик йўли”дир деган пурҳикмат сўзлари эсга тушади. Улуғ аллома буюк донишманд Афлотуннинг қонунларга доир фикрини шарҳлаб айтадики, “Тарбия оқилликни вужудга келтиради. Кишининг тарбияси бўлмаса, у бемаъни нарсаларни хуш кўради. Қонун фаровонлик йўлидир, шундай экан, соҳиби қонун тарбияни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиши зарур. Агар яхши тарбия шаҳарларнинг ҳокимлари ва улар сингари одамлар табиатининг узвий қисми бўлса, Афлотуннинг фикрича, уларни қувватлаш зарур”. Соҳибқирон бобомиз ўз тузукларида **“Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!”** дея йўл кўрсатар экан, бу ўринда бутун раиятнинг маънавий тарбияси ва эътиқодини ҳам назарда тутганлари шубҳасиз.

Бинобарин, мамлакатимизда ана шу дастурий вазифаларнинг ижроси йўлида ташланган қадамлар барчанинг кўнглига ёғду сочиб, халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда. Пойтахтимизда кўп йиллардан буён тўхтаб қолган метро қурилиши давом эттирилаётгани, Юнусободни Қорасув даҳаси билан яқин йўл орқали боғловчи кўприксозлик ва йўлсозлик ишлари жадал олиб борилаётгани, Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган чорраҳада улкан йўл ўтказгич қурилиши бошланаётгани, лойиҳалаш институтларида эса, йирик шаҳарсозлик ва қишлоқ қурилиши, янги темир йўл ва ер устида ҳаракатланадиган метро йўллари режалари бўйича кенг кўламли муҳандислик ечимлари тайёрланаётгани, юртимиз ободлиги ва халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қиладиган яна юзлаб тадбирлар амалга оширилаётгани фикримиз далилидир.

Она Ватанимизнинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги буюк истиқбол йўлида халқимизни янада улуғвор жараёнлар кутмоқда.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги



ИНСОН ЎЗИНГ

Собиту сайёрада
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.
Мулки олам ичра бир
Ҳоқон ўзинг, султон ўзинг.
Собит ўз маъвосида,
Сайёр фазо дунёсида,
Коинот саҳросида
Карвон ўзинг, сарбон ўзинг.
Шамс — дил тафтингдадур,
Сайёралар кафтингдадур,
Кенг жаҳон забтингдадур,
Боғбон ўзинг, посбон ўзинг.
Бу ёруғ дунё надур?
Кошонадур, вайронадур,
Сенга меҳмонхонадур,
Меҳмон ўзинг, мезбон ўзинг.
Бунда оқ бирла қаро,
Зулмат, зиё, шоҳу гадо,
Жанг қилурлар доимо,
Ул ён ўзинг, бул ён ўзинг.
Сен бало, ҳам мубтало,
Хайр ила кин, росту риё,
Фитнагар олам аро
Фаттон ўзинг, қурбон ўзинг.
Гоҳ адолат боғида,
Пири адоват гоҳида,
Ўз дилинг даргоҳида
Шайтон ўзинг, ғилмон ўзинг.
Хормисан ё гулмисан,
Тождормисан ё қулмисан,
Чуғзмисан, булбулмисан,
Нодон ўзинг, хушхон ўзинг.
Бу ҳаёт ўрмон экан,
Жон борки, қасди жон экан,
Бунда қатл осон экан,
Сиртлон ўзинг, жайрон ўзинг.
Бу ҳаёт уммон экан,
Уммон абад гардон экан,
Қатрадек сарсон экан,
Сарсон ўзинг, гардон ўзинг.
Машъали фикрат — сенинг,
Ҳам чангали ваҳшат сенинг,
Ғайрату ғафлат сенинг,
Жавлон ўзинг, урён ўзинг.
Қилдингу ойда хиром,
Ҳам ерда қон тўкдинг ҳаром,
Ушбу ҳолингдан мудом
Хандон ўзинг, гирён ўзинг.
Миндинг илм нарвонига,
Чиқдинг фунун осмонига,
Бу жаҳон айвонига
Аркон ўзинг, вайрон ўзинг.
Заррани ижод этиб,
Даҳшат бало бунёд этиб,
Оқибатни ёд этиб
Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг.
Боғи арз обод эрур
Сендин агар имдод эрур,
Йўқса у барбод эрур,
Тўфон ўзинг, тўғон ўзинг.
Сен ҳилол, юлдуз, салиб,
Таврот, Забурдин юксалиб,
Боймисан ёки ғариб,
Комрон ўзинг, яксон ўзинг.
Ким фаранги, ким ҳабаш,
Ирқ, қон талаш, имон талаш,
Шулми инсондек яшаш,
Армон ўзинг, афғон ўзинг.
Мамлакатга мамлакат,
Миллатга миллат бўлса қасд,
Қилгучи сўнг оқибат
Армон ўзинг, афғон ўзинг.
Онаизоринг — замин,
Танҳо йўғу боринг — замин,
Хаста беморинг — замин,
Ўғлон ўзинг, дармон ўзинг,
Бағрида ётқучи — сен,
Неъматларин тотқучи сен,
Тиғ бўлиб ботқучи — сен,
Пайкон ўзинг, қалқон ўзинг.
Марсга тўп отқувчи — сен,
Зуҳрони уйғотқучи — сен,
Уйқуда қотқучи — сен,
Уйғон ўзинг, уйғон ўзинг.
Келдинг оламга, демак,
Етмас уни сўрмак, емак,
Ерни этмоғинг керак
Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг.
Сўзга ҳам поён бўлур,
Ёзсам яна девон бўлур.
Рустами достон бўлур,
Достон ўзинг, девон ўзинг.
Бўлмасин субҳинг қаро,
Бор бўл мудом борлиқ аро,
Ўзни эттил доимо
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.
Эй, сен Эркин, сен буқун
Ёздинг дилингдан бир тугун,
Сен киму не даҳри дун,
Бийрон ўзинг, нодон ўзинг.

2-6

ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗИ

1961 йили китоб дўкони пештахталарида “Тонг нафаси” номли мўъжазгина шеърий тўплам пайдо бўлди ва тез фурсатда ўқувчилар орасида тарқалиб, қўлма-қўл бўлиб кетди, китоб жавонларидангина эмас, балки кўнгил қатларидан ҳам жой эгаллади, катталарнинг ҳам, ёшларнинг ҳам севимли китоби бўлиб қолди. Унинг дунёга келишида рамзий маъно борга ўхшарди. Гап шундаки, 1950 йиллар адабиётимизда маънавий турғунлик ҳукмрон бўлиб, шеъриятимиз димиққан бир ҳолатда эди. Унга ҳаво керак эди, янги бир ҳаво! Унга тоза нафас етишмасди! Шундай бир пайтда юқорида зикр этганимиз “Тонг нафаси” босилиб чиқди! Унинг муаллифи шеъриятимизга янги нафас олиб кирган ёш шоир Эркин Воҳидов эди.

Ўша йилларда адабиётимизга гуркираган бир авлод кириб келди. Ҳусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Охунжон Ҳакимов, Сайёр, Олимжон Холдор, Теша Сайдали, Гулчеҳра Жўраева, Эркин Самандар, Юсуф Шомансур... Эркин Воҳидов ана шу авлоднинг забардаст чинорига айланди.

Шоирнинг илк шеъри ўн тўрт ёшида дунё юзини кўрган эди. “Мен жилғаман, Дарё бўлиб тўлгим келади!” деган мисраларни келтиради ўн етти ёшида ёзган бошқа бир шеърида. Ҳа, у шеърият баҳрида тўлиб-тўлиб оқишни орзулади, охир оқибатда дарё бўлиб, тўлиб-тошиб ижод қилди.

1959 йилда кейинчалик машҳур бўлиб кетган “Пўлат” шеъри дунёга келди:

...Лекин олган жаҳонни фақат,
Перо бўлиб қуйилгач пўлат.

Жаҳон(бепоён олам) билан жимитгина перони муқояса қилиш тамомила янгилик эди. Шеърдаги фалсафий мазмунни, шоирнинг ниятини фақат ҳис қилиш, хаёлан тасаввур этиш мумкин, ифодалаш учун эса кўп сўз керак бўларди. Шеърнинг моҳияти ҳам шунда-да.

“Шеър асли дил саволига дилнинг жавобидур...” таъкидлайди шоир “Бағишлов” шеърида. Жавоб самимий бўлгандагина дилга етиб боради. Самимият – шоир шеърларини ўқувчига яқин дарддош, сирдош қилиб қўядиган фазилатдир. Самимий шоиргина, ўз шеърларига мурожаат қиларкан, уларни ўз фарзандидай, меҳр билан: “Қора-қура полапонларим, Чағир-чуғур қақажонларим, Сержанжал, сертўполонларим”, деб эркалайди ва “Кўрганим йўқ сизни зийнатга, Ошно қилдим самимиятга!” дейди*(“Кузатиш” шеъри)*. Шоирнинг ўқувчидан яширадиган сири йўқ, аксинча, бор сирини ўқувчи билан баҳам кўради, “ўртада бегона йўқ...”.

Соддалик – гўзаллик, етуклик, баркамоллик дегани. Лекин содда ёзиш қийин. Назаримизда, буюкликнинг сири ҳам ўша соддаликда бўлса керак. Эркин Воҳидов шеърларини ўқиганда, улар даставвал гўё қўшиқ бўлиб туғилгандек, кейин қоғозга кўчирилгандек таассурот қолдиради кишида. Бу борада уни устози Ҳамид Олимжонга қиёслаш мумкин. Сўзлар ёзилмайди, саҳифага тушмайди, балки ўз-ўзидан оқиб келади, савт беихтиёр наволарга чулғанади. Гўё шоир созини қўлига оладию ўқувчисига қараб хониш қилади:

Давоми иккинчи саҳифада.

МИЛЛИЙ РУҲ — БУЮК МЕЗОН

Моҳиятан умуминсониятга дахлдор бўлса-да, адабиёт миллий шаклда намоён бўлади. Ўзида миллатнинг руҳини ифодалайди. Бу хусусиятлар шеъриятда, айниқса, яққолроқ бўй кўрсатади. Замонлар алмашинади, тафаккур, тахайюл эврилади, шеъриятда сурат — шакл ўзгариб, янгиланиб боради. Бироқ ҳар қандай ҳолда адабиётнинг, шеъриятнинг даражаси икки мезон — миллий руҳ ва маҳоратга кўра белгиланади.

Бугунги шеъриятимиз миллий руҳни сақлаб қола билгани ҳамда бадиий тасвир ва услуб ранг-баранглигида катта миқёсларга кўтарила олгани жиҳатидан жаҳондаги энг ривожланган халқлар поэзияси билан ҳам бўйлаша олади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов назмий мероси бу жиҳатдан, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга.

Шоирнинг “Ўзбегим” қасидаси ўша мураккаб ва зиддиятли замонда беқиёс жасорат намунаси бўлди. “Ёшлик девони” орқали замонамизга унутила бошлаган мумтоз арузни олиб кирди, арузга замон руҳини бағишлади. “Донишқишлоқ латифалари” тимсолида миллатга ойна тутди. Бу ойнада тараққиётга тўсиқ бўлаётган иллатларни рўй-рост кўрсатди. Комфирқа ғояларининг жарчисига айланган шеъриятга миллий руҳни олиб кириш йўлида муносиб хизмат қилди.

Бизнингча, Эркин Воҳидов шеъриятида миллий руҳ қуйидаги поэтик шаклларда ифодаланган кузатилади:

Биринчидан, бадиий образ ва тимсолларда. Шеъриятнинг, ҳатто умуман адабиётнинг асосий шарти бўлган бадиий образ ёки тимсол чинакам миллий шаклда намоён бўлсагина ўқувчи қалбига тезроқ етиб боради. Шундагина унинг таъсири умрбод унутилмаслиги мумкин. Ижодининг илк давридаёқ Эркин Воҳидовнинг зоҳиран маиший турмуш ашёси саналган пиёла ва чойнак тимсоллари орқали манманлик ва камтарлик ҳақида чиқарган оҳорли ва таъсирчан хулосаси бунинг яққол далилидир. Бор-йўғи саккиз мисрадан иборат бу шеър ўзбекона образли тафаккурнинг ёрқин намунаси экани учун ҳам юраклардан чуқур жой эгаллади. Шу боис уни ёд билмаган одам кам.

Ёки мана бу сатрларга эътибор беринг:

Ой фонусин кўтарди осмон,
Юлдузчалар бўлди парвона.

Ойни қоронғи тунда ёнган фонусга ва юлдузларни унинг атрофида айланган парвоналарга қиёслаш – миллий руҳга йўғрилган бу оҳорли ташбеҳ Эркин Воҳидовгача бошқа бирор шоир асарларида учрамагани билан қимматли. Шоир ижодидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Давоми тўртинчи саҳифада.

ҚАЛБИДА ҚУЁШ ТАФТИ

Ер битмас-туганмас хазина. Халқимиз орасида ерни боқсанг ер сени боқади, деган нақл бежиз айтилмаган. Деҳқончиликнинг, ердан кутилганидек ҳосил олишнинг ўзига яраша қийинчиликлари, заҳмати бор. Буни эплаган деҳқонгина мақсадга эришади.



— Об-ҳаво масаласида йиллар ҳеч қачон бирбирини такрорламайди. Ўттиз беш йилдан ошиқ фаолиятим давомида бирон марта об-ҳавоси бирбирига ўхшаш бўлган йилни эслолмайман, — дейди жиззахлик деҳқон Анорбой ака Эшматов. — Ерни шудгорлайман, уруғни сепаману мўл ҳосил оламан, деб ўйлаганлар қаттиқ янглишади. Ҳар бир ой, керак бўлса ҳар бир куннинг об-ҳавоси, иссиқ-совуғи билан тиллашган, ҳисоблашган деҳқонгина кўзлаган мақсадига эришади.

Ҳа, ҳар бир инсон меҳнатига яраша мукофот, рағбат олади. "Шуҳрат" медали, "Эл-юрт ҳурмати" ордени, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" унвони соҳибидан Ўзбекистон Қаҳрамони даражасигача кўтарилиши учун Анорбой ака кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилди. Анорбой ака "Анвар А"фермер хўжалигини ташкил этганидан буён ҳар йили 75 гектар ерга экилган пахта ва буғдойнинг режасини ошиғи билан бажаради. Натижада ўн икки нафар ишчидан иборат аъзоларнинг омборлари донга тўлади. Кам таъминланган оилаларга саховат кўрсатишни ҳам унутмайди. Ўзлари учун экkан полиз экинларию сабзавотлардан ортганини ўзгалар билан баҳам кўради.

— Отам ҳам кетмон чопиб далада умрини ўтказган. Мен эса отамнинг касбини давом эттириб обрў топдим, — дейди ҳамсуҳбатим. — Оддий фермер бўлсам ҳам, Олий Мажлис сенати аъзоси бўлишдек юксак мартабага эришдим. Ерга меҳр кўрсатган одамни ер сийламай қўймайди. Заминга отамнинг қанчадан-қанча орзулари, армонлари қоришиб кетган. Энг катта орзуларидан бири ушалди — мустақил бўлдик. Отам айтарди: қачон меҳнатимизнинг ҳузурини бошқалар эмас, ўзимиз кўрадиган замонлар келар экан, деб. Мустақиллик биз каби деҳқонларга меҳнат қилиб ҳузур кўриш бахтини берди. Мана шу ерга кўрсатган меҳрим туфайли олти нафар фарзандимнинг ҳаммасини ўқитиб олий маълумотли қилдим.

Анорбой ака билан ҳар қандай мавзуда суҳбатлашиш мумкин. Деҳқон бобо сифатида пахта, буғдой парвариши, ҳосилдорликни, ер унумдорлигини ошириш бўйича шогирдларига сабоқ беришдан эринмайди. Сенатор сифатида сиёсий жараёнларда ҳам фаол.

— Мана яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказилди, биз муносиб номзодга овоз бериб ўз Президентимизни сайладик, — дейди Анорбой ака. — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сайланган Президентимиз Шавкат Мирзиёев келаётган 2017 йилни **"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"** деб эълон қилишни таклиф этди. Ишонсангиз йилнинг бундай номланиши ҳар биримизнинг қалбимизда эртанги кунга, порлоқ келажакка ишонч уйғотди, руҳлантирди. **"Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ"**, деган эзгу ғояни давом эттириш, турмушимизни бундан ҳам гўзал ва обод этиш йўлидаги улкан қадам бўлди. Байрамга бағишланган маърузада тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан ҳам бир қанча таклифлар ўртага ташланар экан: **"Халқ бой бўлса, давлат ҳам, албатта, бой ва қудратли бўлади"**, дейилди. Демак, биз ҳар биримиз мана шу юртимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор.

Ватан учун яшайлик

Анорбой аканинг ўзи ҳам атрофидаги одамларнинг, ҳамюртларининг ҳаётини яхшилашга баҳодли қудрат ҳисса қўшади. Эшигини қоқиб келган, бирор масалада ёрдам кутганларнинг ҳеч қачон раъйини қайтармайди. Қўлидан келганча ёрдам беради. Ана шундай пайтда қаҳрамонимиз миннатдорлик уфуриб турган нигоҳларни кўрганида беихтиёр хурсанд бўлиб кетади.

Аслида ер билан тиллашиб деҳқончилик қилаётган деҳқонларимизнинг бизга нон тутаётган қадоқ қўлларини кўзларимизга суртсак арзийди. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, **"Бугунги кунда мўл ҳосил етиштириб, дўкон ва бозорларимиз, эл-юртимиз дастурхонини тўлдириб, нарх-навонинг барқарорлигини, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган деҳқон ва фермерлар ҳаётимизнинг таянч устунлари"**.

Дарҳақиқат, момо ер тафтини ҳис қилган, унинг тупроғида ўсган ҳар бир гиёҳ шивирида Ватан сўзи жарангини эшитолган инсон борки, шу Ватанга бутун борлиғи билан хизмат қилиш, унинг юксалишига ҳисса қўшиш ҳақида ўйлайди. Ана шундай Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, дон сочиб, пахта экиб элига ризқ йўлини очаётган Анорбой акага ўхшаган фидойи инсонлар туфайли бугун жаҳонга юз тутдик. Ўтган йиллар давомида эришган ютуқларимиз асрларга тенг.

Меҳнатсевар ҳамюртларимиз туфайли бугун турмушимиз фаровон, осмонимиз мусаффо. Буни ҳар бир юртдошимиз чин дилдан ҳис қилаётир. Халқимизнинг эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланмоқда, завқ-шавқ билан меҳнат қилмоқда. Меҳнатининг роҳатини фарзандлари, эли билан баҳам кўрмоқда. Анорбой академик элу юртнинг корига ярайдиган, ўз ўрнини мудом халқ орасида деб биладиган саховатпеша ҳамюртларимиз бор экан, Ватанимиз шон-шавкати юксалаверади.

Барно СУЛТОНОВА

НАРПАЙЛИКЛАР ЭҲТИРОМИ

Эркин Воҳидов "Оқ суту туз ҳурмати"ни оқлашга бутун умрини бахшида қилган, мустабид тузумнинг оғир йилларида "Лекин аввал сенга бўлсам содиқ ўғлон, Ўзбегим", дея ҳамма нарсадан ўз халқи ва миллатига содиқ бўлмоқни устун қўйган, бу ҳақда баралла айта олган жасоратли ўзбек фарзанди эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори адабиёт ихлосмандлари, шоир ва ёзувчилар, кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Мазкур қарор эълон қилиниши муносабати билан Ёзувчилар уюшмаси ўз тадбирлар режасини тузиб, ўқув муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ижодий учрашувлар, китоб тақдимотлари, адабий учрашувлар ташкил этишни бошлаб юборди.

Шундай ижодий учрашув Нарпай туманидаги бир қатор умумтаълим мактабларида бўлиб ўтди. Уларда ўқувчи-ёшлар шоир шеърларидан гўзал бадиий композициялар, саҳна кўринишлари намойиш қилдилар. Ёзувчилар уюшмаси аъзолари атоқли шоир ҳақидаги ўз хотираларини, ижодининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида гапиришди.

Нарпай туман ҳокимлиги ва туман прокуратураси ташаббуси билан 13-мусиқа мактаби биносида ташкил этилган "Китобимсан, офтобимсан, менинг яқин ўртоғимсан" деб номланган китобхонлар кўрик-танлови тадбирларга, айниқса, ўзгача шукуҳ бахш этди. Ўша кунги тадбир китоб байрамига айланиб кетди. Унда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, ўқитувчи-ходимлар, маҳалла фаоллари, ўқувчилар, нарпайлик ижодкорлар қатнашди. "Китобхонлар кўрик-танловини туман халқ таълими билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилгани қайси бир маънода профилактика вазифасини ҳам ўтайди. Китобга ошно бўлган ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланади, натижада улар ҳар қандай сўзамолларга эргашиб кетавермайди. Ўз фикри, эътиқодига собит фуқаро бўлади", дейди тадбир ташаббускорларидан бири Нарпай туман бош прокурори Камолиддин Жавлонов.

Кўрик-танлов ғолибларига, энг фаол китобхон-ўқувчиларга ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарлари тўпламлари совға қилинди.

Тадбир ниҳоясида Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ва нарпайлик ижодкорлар томонидан мушоира ташкиллаштирилди, ижодкор ўқувчилар ҳам машқларини устозлар эътиборига ҳавола қилишди.

Ориф ҲОЖИЕВ,
Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими раҳбари

ҚУЁШ

Гётенинг "Фауст" асари ўзбекча таржимасини ўқиб

Шоир қуёшдан ҳам серҳиммат,
Қаламдан нур ёғар устма-уст.
Таржима ҳам ижод, ҳам санъат,
Нашр этилди Тошкентда "Фауст".

Ўзбекчада ўқидим равон,
Шоҳ асардан тердим дур, гавҳар.
Устоз — улуғ шоир, таржимон
Дебочада сўз ёзди камтар:

"Ой ўртанар кўзларида ёш,
Бағри доғу юраги қийма.
Дер: "Эй фалак, мен эдим қуёш,
Нега мени қилдинг таржима?"

Ой туғади ҳилол — қаламқош,
Кун туғади пайшанба, жума...
Шарқдан чиқди Ғарбдаги қуёш
Эркин Воҳид қилгач таржима.

Рустам МУСУРМОН

ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўн саккизга кирмаган ким бор,
Боғингдан гул термаган ким бор?
Сен ҳақингда ёзиб тўрт сатр,
Сирдошига аста кўрсатиб,
Қўшни қизга бермаган ким бор?..
("Севги" шеъри)

Яна:

Дунё экан...
Ишқ деган савдо
Борми фақат менинг бошимда?
Кимни этмас бу кўнгил шайдо,
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?..

("Кимни этмас бу кўнгил шайдо" шеъри)

Шеър шундай равон оқади, ўз-ўзидан табиий қуйилиб келади. Бундай хислат шоирнинг қарийб барча асарларига хосдир. "Кавказ шеърлари"ни олайлик. Ёқимли наводай жаранглаган "Азгануш" шеъри... Уни кўнгил қўшиғи дегулик. Бир ўқишдаёқ кўнгилга муҳрланиб қолади. Ёдимда, бу шеърни ёд олиб, айтиб юрардик. "Фузулий ҳайкали қошида" шеъриятимизда толеи порлоқ нодир шеърлардан ҳисобланади.

Еллар, бир дақиқа тўхтанг эсишдан,
Сернаво булбуллар, сайраманг бир оз.
Карбало даштида яёв кезишдан
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз...

Буюк шоир мунис бир ғазал илҳоми селида ғарқ... Мана, ғазал туғилди, шоир оламга боқиб, уни шавқ билан ўқимоқда... масъуд лаҳзалар... тинглар экан, япроқлар шеър мақомига тебранади, чечаклар маҳлиё бўлиб, бош эгиб туради, боғларга гўзал оқшом чўкади... Шеърда Фузулий ғазалларидан келтирилган сатрлар шоиримизнинг сатрларига табиий равишда уйғун бўлиб, яхлит бир вужуд пайдо қилади – ҳаётбахш шеърият симфониясига айланади.

Шоирнинг "Ёшлик девони" ўтган асрнинг 60-йиллар адабиётида воқеа бўлган эди. Навоий нафаси сезилиб турган куйдай равон дардчил ғазаллар ёшликка хос бўлган чинакам ва асл севгини, тонглардай покиза чинакам инсоний туйғуни баралла таранnум этди. Ғазалларнинг кўпи қўшиқ бўлиб, ҳофизлар томонидан куйланаётгани бежиз эмас. "Ўзбегим" қасидаси эса халқимизнинг ғурурига ғурур қўшди, шоир номини дунёга танитди.

Шоир она юрт манзараларини тасвир этишни хуш кўради. "Ўлка", "Манзара", "Тонг лавҳаси", "Дарё оқшоми" ва бошқа шеърлар бунинг далилидир. Бу юрт қишилари садоқатли, ҳатто дарахтни кўчириб кетсалар ҳам, у "ўз панжасида яшаган еридан бир сиқим тупроқ олиб кетади..."(*"Садоқат" шеъри)*, деб ёзади шоир. "Бир томчи ёш", "Учи тугик дастрўмол", "Фурсатинг", "Савағич", "Илзахоним", "Дарддошлик", "Ўзбек бўлиш осон эмасдир" каби ва яна кўп етук шеърлар ҳақида тўлқинланмай ёзишнинг иложи йўқ.

Унинг "Тонг нафаси" (1961), "Қўшиқларим сизга" (1962), "Юрак ва ақл" (1963), "Менинг юлдузим" (1964), "Муҳаббат" (1976), "Тирик сайёралар" (1978), "Шарқий қирғоқ" (1982), "Бедорлик" (1985), икки жилдли сайланма – "Муҳаббатнома" ва "Садоқатнома"(1986), "Шоиру шеъру шуур" (1987), "Яхшидир аччиқ ҳақиқат" (1992), 2000 — 2001 йилларда уч жилдли ("Ишқ савдоси", "Шеър дунёси", "Умрим дарёси") сайланма асарлари, рус тилида "Узелок на память", "Восстание бессмертных", умрининг сўнги йилларида ёзган пурҳикмат "Сўз латофати" каби ва бошқа кўп китоблари ҳар бир ўзбек хонадонида бор, десак муболаға бўлмас. Шоирнинг кўп сатрлари, ибратли иборалари("Қайга борсам бошда дўппим, ғоз юрарман гердайиб", "Ўн саккизга кирмаган ким бор", "Шеърнинг зўри тўрт сатр..", "Куй авжида узилмасин тор...", "Одамларнинг ўзидан олиб, Одамларга бермоқдир ишим..." ва ҳоказо) ҳикматли сўз, мақол сифатида халқ орасида тарқалиб ёд бўлиб кетгани бу нурли ижоднинг нақадар халқчил эканини кўрсатади. Унинг шеъри билан айтиладиган қўшиқ жарангламаган кун йўқ.

Шоирнинг достонлари ҳам шеърларидай содда, равон, достончилигимизнинг етук намуналаридан ҳисобланади. Халқимизнинг оғир фожиали дамлардаги матонатига бағишланган "Палаткада ёзилган достон"ни "Зилзиладан кўчган Шеърлар парчаси..." деб таърифлайди шоирнинг ўзи. "Нидо" достонида "яраланган бу мажруҳ дунё"нигина эмас, балки озор топган ёш кўнгил дардларига ҳам даво излайди. "Орзу чашмаси" муҳаббат қиссаси бўлса, "Қуёш маскани" она Ватан меҳрига битилган қасидадир.

"Руҳлар исёни" достонидан олинган ушбу мисраларга эътибор беринг:

Она ўлкам,
Бир кун сени
Озод кўргим келади.
Истибдоднинг занжирини
Барбод кўргим келади...

Бу исёнкор бенгал шоири Назрул Ислом сўзлари... Лекин шоирнинг сўзи тагмаъноли бўлади, буни ўқувчилар яхши англайдилар. Муаллиф бу сўзларни ўз Ватанига қарата айтганига шубҳа йўқ, чунки унинг Ватани ҳам истибдод занжирида эди... Бу сўзлар Назрул Исломнинг, айни вақтда Эркин Воҳидовнинг ҳам дилидан отилган сўзлардир! Устоз оташин бенгал шоири қисмати баҳона ўз дардини тўкиб солмоқда.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, ажойиб сўз санъаткори, драматург, таржимон ва жамоат арбоби Эркин Воҳидов қаерда ишламасин, адабиётимизнинг поклиги, уни юксак чўққиларга кўтариш ғамини чекди, ўзининг холис меҳнатини аямади.

1990 йилдан жамоат ишларида фаол қатнаша бошлади. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати, Ошкоралик масалалари қўмитаси раиси(1990-1995) бўлди, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси(1995-2005) вазифасини адо этди, 2005-2009 йиллар унга Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати фан, таълим, маданият ва спорт қўмитаси раиси вазифаси топширилди.

Эркинликда воҳид, воҳидликда эркин устоз, серқирра истеъдод соҳиби Эркин Воҳидов ниҳоятда бағрикенг, дилкашу дилбар инсон эди, унинг суҳбатлари адабиёт, ижод, маҳорат сирлари, мутолаа мўъжизалари, кашфиётлар ҳақида кечарди. Ҳар бир суҳбат биз ёшларга бир адабий сабоқ вазифасини ўтарди. У агар Навоийдан бир байт, ё Фузулийдан бир ибора, ё Чўлпондан бир шеър келтирса, бирон-бир шеърий кашфиётга тўхталса, бу атай эмас, балки суҳбатнинг моҳиятидан келиб чиқарди. Бир мисол келтирай. 1969 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлардик, Эркин ака шеърият бўлими мудири, Миртемир домла, Абдулла Орипов ва камина муҳаррирлар эдик. Бир қўлёзма ўқилса, ё китоб чиқса улар ҳақида қизғин баҳслар бўларди. Бир куни Навоийнинг: *"Оқ эрур, лекин қарортур ҳар ненини ранг этса зок"* сатридаги *"зок"* сўзи маъноси бизни қаттиқ қизиқтириб қолди. Ўзи оқ бўлсаю теккан нарсасини қорайтирса... Унинг маъносини узоқ излаб, ниҳоят форс мумтоз шоирларининг таржимони Муинзода домладан сўраб билиб олдик. "Зок" аччиқтошнинг синоними бўлиб, ҳозир ҳам Бухоро томонларда ишлатилар экан.

Ғафур аканинг шогирд танлашда ўзига хос усуллари бўларди.

Ёшларнинг газета ва журналларда босилган шеърларини диққат билан ўқирди. Ўз таъбири билан айтганда, боқса одам бўладиганларни уйга чақириб шеър ўқитиб кўрар, гапга солиб, билими, одоби, юриш-туриши, фаҳм-фаросати қанақа, обдан кузатарди. Дидига ўтириб қолганларини сафарга ўзи билан олиб кетарди. Қайтиб келгандан кейин у билан борди-келди қилмай қўйдими, билингки, нимасидир ёқмаган ёки адабиёт юкини кўтаришга чоғи келмайди. Мабодо, маъқул бўлган бўлса, у билан ота-бола бўлиб кетарди...

Кейинги пайтларда у янгигина пайдо бўлган Эркин Воҳидовни кўп гапирадиган бўлиб қолганди. Эркиннинг аруздаги муваффақиятлари уни қувонтирарди.

— Биласанми, бу бола мудраган арузни уйғотиб юборди. Ивирсиқ шоирлар арузни адойи тамом қилган эдилар. Аруз баайни пати юлинган товуқ бўлиб қолганди. Эркин уни араб, форс сўзларидан тозалаяпти. Соф ўзбек ғазалини яратяпти. Яқинда бир папка ғазалларини олиб келди. Жуда чиройли, маъноли, маҳорат билан ёзилган ғазаллари кўп экан. Бу боланинг ёзган нарсаларини эълон қилишга шошилмаслиги менга маъқул бўлди. Олиб келган ғазалларининг кўпи бир-икки йил олдин ёзилган. Ҳалигача қайта-қайта ишлаб, тузатиб, яна ташлаб қўяяпти.

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси

Устоз ҳазил-мутойибани, юморни ниҳоятда теран тушунар, шу сабабдан у ўтирган давра ҳамиша хушчақчақ бегубор кулгулар билан безанарди. Ана шу юмор ҳисси шоирнинг ҳажв дафтарига кирган ҳазил-мутойиба мавзуларидаги, Матмуса ҳақидаги (биргина Донишқишлоқда Матмусага ғайкал қўйилиши ҳақидаги шеърни эслаш кифоя!) ичакузди, сертабассум шеърларида яққол акс этган. У шеърларда кучли юморга йўғрилган ҳаётбахш публицистик руҳ уфуриб туради. Шоир шеърияти ҳикматларга, лутфларга, фалсафий мушоҳадаларга бой шеъриятдир.

"Фауст" трагедияси устида Иоганн Волфганг Гёте эллик саккиз йил меҳнат қилган экан. Бир асар устида шунча йил ихлос билан тер тўккан бошқа ижодкорни жаҳон адабиётида учратиш мушкул. Нафақат Германиянинг, балки бутун жаҳон адабиётининг нодир ёдгорлигига айланган бу трагедияни Гётенинг умр китоби дейиш жоиз. Шоир асар охирида инсон ҳур ҳаёт учун, эрк учун ҳар кун, ҳар он курашгандагина ҳур ҳаёту эркка муносиб бўлади, дея якуний хулоса ясайди. Шарқу Ғарб фалсафаси оҳангларига йўғрилган, ҳамма замонларда ҳам замонавий бўлиб қоладиган нодир мураккаб асарни таржима қилиш осон иш эмас. "Таржимон — рақиб" деган тушунча Пушкиннинг салафи, Байрон асарлари таржимони, рус шоири В.А.Жуковскийдан қолган. Демак, таржимон маълум маънода аслият муаллифига рақиблик қила олиш салоҳиятига эга бўлмоғи керак. Эркин Воҳидов "Фауст" таржимасига қўл уриб жасорат кўрсатди ва уни ўзбек адабиёти мулкига айлантирди, ўзбек тилининг бой ва гўзал имкониятларини, нафосатини намойиш қилди. Чиндан ҳам, бундай асарни таржима қилиш учун Эркин Воҳидовдай файласуф ва аллома шоир керак эди. Шиллер, Иқбол, Улфат, Блок, Сергей Есенин, Михаил Светлов, Расул Ҳамзатов сингари шоирлар Эркин Воҳидовнинг гўзал таржималари орқали ўзбек ўқувчиларининг севимли шоирлари бўлиб қолдилар. Виктор Гюгонинг "Қиролнинг дилхуши" драмаси эса шоир таржимасида театр саҳналарида ижро этилди.

Шоирнинг ўз драмалари ҳам ўқувчилар орасида шуҳрат қозонди. Чунончи, беғубор кулгиларга бой "Олтин девор" драмаси кўп йиллар Миллий театр саҳнасидан тушмади. "Истанбул фожиаси" драмасида эса муаллиф глобал воқеалар инсон ҳаётига, ҳаётигагина эмас, балки умум руҳиятига ҳам қанчалар мудҳиш таъсир этиши, бунинг оқибатида, ҳатто ака-укаларни, жигарларни ҳам бегона қилиб юбориши мумкинлигини ишонарли тасвирлайди.

Устоз Эркин Воҳидовнинг ижоди, эл-юрт олдидаги хизматлари ҳамиша халқимиз ва Президентимиз диққат-эътиборида бўлиб келди. У "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди, 1987 йилда "Ўзбекистон халқ шоири" унвони берилди. 1999 йилда "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвонига муносиб кўрилди. Шоирнинг асарлари қайта-қайта чоп этилмоқда, халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда. "Шарқ" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти шоир асарларининг саккиз жилдли куллиётини нашр қилишга киришди, ҳозиргача тўрт жилд ўқувчилар қўлига бориб етди.

Шоир ҳаёт бўлганида бугун 80 ёшга тўлар эди. У 2016 йил 30 май куни вафот этди. "Нидо" достонидан олинган қуйидаги сатрлар худди шу кун ҳақида ёзилгандек туюлади: "Шу тонг офтоб нурлари Кўз ёш бўлиб тўкилди...".

2016 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорга имзо чекди. Қарорда юбилей муносабати билан кўриладиган чоратадбирлар белгилаб берилди. Чунончи, шоирнинг ўзбек тилида "Сайланма" асарлари, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърий тўпламлари чоп этилади; шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли филм ва ҳайкали яратилади; Тошкент шаҳридаги шоир яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида "Эркин Воҳидов ижодининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида илмий конференция ўтказиш кўзда тутилади.

2016 йил декабр ойининг охирги ўн кунлигида Ўзбек миллий академик драма театрида шоир таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий хотира кечаси бўлиб ўтади...

Аввало, мазкур Қарор муҳтарам Президентимизнинг адабиётимизга кўрсатаётган катта ишонч-эътибори, ғамхўрлигига ёркин мисол эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу Қарор бутун ижод аҳлини янада руҳлантиришга, мустақиллигимизни улуғлайдиган янгидан-янги асарлар яратишга даъват этишига шубҳа йўқ.

Эркин Воҳидов "Юлдуз" номли шеърида ўз шеърларининг сарлавҳасини тополмай қолганда, сарлавҳа ўрнида юлдуз қўйишини ёзиб, ўша юлдузнинг кечаю кундуз порлаб туришини орзу қилган эди:

Зуҳро каби ярақлаб турсин
Тунлар ўзим
Юмганда кўзим.
Ҳеч сўнмасин, чарақлаб турсин,
Сўнганда ҳам менинг юлдузим...

Шоир ҳақ. Унинг юлдузи асло сўниш билмайди, шеъриятимиз осмонида қалбларга мудом нур улашиб чарақлаб тураверади.

Муҳаммад АЛИ
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси

ЭЪЗОЗ

Мамлакатимиздаги барча таълим масканлари қатори пойтахтимиз мактабларида ҳам атоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таваллудининг саксон йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Чунончи, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 167-умумий ўрта таълим мактабида ташкиллаштирилган тадбир ҳар жиҳатдан пухта тайёрлангани боис мароқли, ҳис-ҳаяжонга, қизғин фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Севимли шоиримизнинг "Барча шодлик сенга бўлсин" мисраси мавзу қилиб белгиланган адабий-маърифий мулоқот шеърхонлик билан бошланди. Барчамизга ёд бўлиб кетган шоир шеър ва ғазалларини ўқувчилар томонидан ифодали ўқиш ўзига хос мусобақа тусини олди.

"Мен ўзбек фарзандиман" ва "Она юртим, сенга ўғлон бўлгим келади" мавзуларида 7 — 9-синф ўқувчилари ўртасидаги иншолар танловида Эркин Воҳидов шеъриятида ватанпарварлик тамойиллари асос қилиб олинди. 5—7-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Юртим, сени куйлайман" деб номланган расмлар танлови ҳам ижодий руҳда ўтди. Ҳар икки танлов ғолибларига Эркин Воҳидовнинг яқинда чоп этилган китоблари совға қилинди.

Бу каби тадбирлар атоқли шоиримиз мероси билан ёш авлодни янада яқинроқ таништирибгина қолмай, айни пайтда, ижодкор асарларида теран ифодасини топган юртпарварлик, меҳр-муҳаббат, она тилига юксак эҳтиром ва гўзалликка ошуфталик туйғуларини ҳам камол топтириши билан маърифий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Р.АҲМАТОВА,
ўқитувчи

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

СЕВМОҚ УЧУН БЕРИЛГАН ҲАЁТ

СЕН ДАВЛАТСАН, АЗИЗ ВАТАНДОШ!

Дўстим!
Сен ўзни кўп хокисор тутма,
Ожиз бандаман, деб эгиб юрма бош.
Юртнинг эгасисан, зинҳор унутма,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Мустақил, мўътабар мамлакат —сенсан,
Мамлакатда олий машварат — сенсан,
Халқсан, ҳукуматсан, салтанат сенсан,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Панада турмоқнинг фурсати эмас,
Бу тупроқ фақирлар турбати эмас,
Соҳиб бўл, давлатнинг мурвати эмас,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Ғайратсиз зотларга замонлар ёмон,
Жасорат йўқ ерда ёмонлар омон,
Давлат не, мардона бўлмасанг қалқон,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Диёнатли ўтган наслу насабинг,
Ноҳақликка бардош бермас асабинг,
Керагида бўлсин қаҳринг, ғазабинг,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Юрт фарзанди асли ўзи юрт бўлар,
Кўзи чақноқ бўлар, қалби ўт бўлар,
Қаторда нори бор ватан бут бўлар,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

Мен деб кўкрак кериб юргувчи ўзинг,
Юртта соқчи бўлиб тургувчи ўзинг,
Буюк келажакни қургувчи ўзинг,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.

КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

* * *

Тинглайман кўп ўзбек сўзларин
Хоразмча талаффузини.
Хуш кўраман у ер қизларин
«Қўйсангиз-а» деган сўзини.

Улар буни айтса мулойим,
Тилларидан асал тўкилар...
Хоразмлик қизларни доим
«Қўйсангиз-а» дегизгим келар.

* * *

Қаро қошинг,
қалам қошинг,
Қийиқ қайрилма қошинг, қиз.
Қилур қатлимга қасд қайраб —
Қилич қотил қарошинг, қиз.

Қафасда қалб қушин қийнаб,
Қанот қоқмокка қўймайсан.
Қараб қўйгил қиё,
Қалбимни қиздирсин қуёшинг, қиз.

* * *

То тирикдирки табиат,
То қуёш сочгайки нур,
Уч эгиз бордир тушунча,
Уч бу сўз ёндош бўлур:
Моҳиру меҳру маҳорат,
Олиму илму амал,
Ошиқу ишқу машаққат,
Шоиру шеъру шуур.

ШОИР УМРИ

(пародия)

«Мана, мен Лермонтов ёшига етдим,
Бир шоир умрини яшадим чиндан.
Шеърият кўкида тик парвоз этдим,
Парвозим баланддир учқур лочиндан».

Сайёр

«Мана, мен Лермонтов ёшига етдим,
Бир шоир умрини яшадим чиндан».
Қанча қоғозларнинг бошига етдим
Ва лекин Лермонтов чиқмади мендан.

Дўстларим, ортиқча камтарлик нега,
Келажак ўн йилни кўрдим олдиндан.
Вақт келар, етарман Пушкин ёшига,
Ўшанда... Пушкин ҳам чиқмайди мендан.

* * *

Ой фонусин кўтарди осмон,
Юлдузчалар бўлди парвона.
Сайр этайлик, кел, бирга, жонон,
Кўнглим сени истар ягона.

Қўлларимдан тут ўзинг, дилбар,
Ойдин йўлга етакла мени.
Ошиқ бўлиб, ишон, шунчалар
Севмагандим ҳеч қачон сени.

Ажаб, ортиқ сармастман букун,
Кўкрагимга сиққудай олам.
Бу кун лим-лим тўлмиш лолагун
Ишқ майига кўнгил пиёлам.

Кел, юлдузлар тўшалган йўлдан
Етакласин бизни муҳаббат.
Ғамларингни чиқар кўнгилдан,
Шод кунларни эслайлик фақат.

Сайр этайлик, кел, бирга, эркам,
Рози кетсин биздан умрбод —
Шодлик учун яралган олам,
Севмоқ учун берилган ҳаёт.

КИМНИ ЭТМАС БУ КЎНГИЛ ШАЙДО

Дунё экан...
Ишқ деган савдо
Борми фақат менинг бошимда?!
Кимни этмас бу кўнгил шайдо,
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?!

Севги илк бор тушди-ю қалбга
Ҳаётимнинг бўлди мазмуни.
У кўлимга тутқазиб қалам,
Кўзларимдан олди уйқуни.

Олди бутун фикру хаёлим,
Кетди дилдан ором, ҳаловат.
Севги бутун боримни олиб,
Шеър завқини қолдирди фақат.

Борлиқ олам кўзимга минг-минг
Гўзалликка тўлиб кўринди.
Гуллар менга ошиқ булбулнинг
Шеър дафтари бўлиб кўринди...

Айб этмангиз,
Дўстлар, бу савдо
Борми фақат менинг бошимда?
Кимни этмас бу кўнгил шайдо,
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?!

АСАБЛАР

Асаблар,
Асаблар,
Асаблар...
Сабабсиз сочилган ғазаблар,
Гуноҳсиз чекилган азоблар.
Кўз ёшлар...
Барига сабаблар
Асаблар, асаблар, асаблар.

Асаблар кимларни қулатмас,
Асаблар уйқуни йўлатмас,
Қалбни ҳеч шодликка тўлатмас,
Одамзод темирмас, пўлатмас!
Асаблар кимларни қулатмас!..

Асабга сўз берманг, одамлар,
Ғазабга йўл берманг, одамлар,
Умр-ку шунчалар қисқадир,
Шуни ҳам қилмаймиз биз қадр.
Асабга сўз берманг, одамлар,
Азобга йўл берманг, одамлар!

ФУРСАТ

Фурсат — олтин,
Сен кўкрак кериб
Олтинингни сочиб борасан.
Фурсат қувар,
Унга чап бериб,
Сўроғидан қочиб борасан.

У етолмас,
Ёшсан — абжирсан,



Қолмай келар лекин орқангдан.
Қочма йигит,
Вақт келар, бирдан —
Фурсат маҳкам тутар ёқангдан.

Фойда бермас
Минг тавбанг у кун
Сўрар экан фурсат сарҳисоб.
Бенаф ўтган
Ҳаётинг учун
Вақт олдида берурсан жавоб.

БОШ ТЕБРАТАР СОАТ КАФГИРИ...

Бош тебратар соат кафгири,
Дер: қадримни билмас одамлар.
Секундларим гавҳар ҳар бири,
Нега парво қилмас одамлар?
Бош тебратар соат кафгири,
Шошил, одам, ўтмоқдадир он.
Ҳар нарсанинг бўлар охири,
Бош тебратиб қолма сўнг, инсон!

КУЙ АВЖИДА УЗИЛМАСИН ТОР

Куй авжида узилмасин тор,
Шеър ярмида синмасин қалам.
Яшаб бўлмай умрини зинҳор
Бу дунёдан кетмасин одам.

Қўлдан тушиб синмасин қадаҳ,
Лаб текканда тўкилмасин май.
Тўхтамасин уриб турган қалб,
Бошлаб қўйган қўшиғи битмай.

ҚЎНҒИРОҚ

Яқинда ёш ижодкор укаларим билан водий сафарига бориб келдик. Мақсад юртимизда рўй бераётган янгиланиш, бунёдкорлик ишлари билан чуқурроқ танишиш, бетакрор диёримизнинг гўзал табиатидан баҳра олиш, энг муҳими, меҳнатсевар, содда ва самимий халқимизга “ҳормангбор бўлинг” қилиб келиш эди.

Бизга ажратилган машинанинг ҳайдовчиси Баҳром ака фавқулодда шинаванда чиқиб қолди. Ҳамма нарсадан хабардор: тарихдан гап очсангиз, фикрингиз тўхтаган ердан илиб кетади, “Реал”нинг ютуқлари сабаби нимадаю Одил Аҳмедовнинг устун томони қаерда – бу кишига тан, адабиёт таҳлилини ҳам қўйиб бераверинг. “Хафа бўлманглар-у, ҳақиқий шоир халқ фикрини ўзгартириши, кўнглини кўтариши, қиёфасини асраб қолишига хизмат қилиши керак. Мен оддий фермерман. Бу гапларим сизларга малол келмасин-у, укалар, ҳақиқий шоирнинг юраги отнинг калласидай бўлади, ўз жонини аямайди, зарур пайтда керакли сўзни айтадиган мард бўлади”, дейди Баҳром ака. Ёшлар қизиққон эмасми, дарров суҳбат баҳс-мунозара билан аланга олиб кетди. Кимдир адабиётни кўнгил иши, ижодкор қалбининг мусаввири деб шарҳласа, бошқаси чинакам шеърият хослар учун яратилган дейди, кейингиси эса шеър бу қўшиқ дегани, қўшиққа айланмаган сатрлар панада қолиб кетади, деб қатъий хулосасини айтади. Гап шу ерга келганда Баҳром ака: “Ҳа, баракалла, мана ҳозир сизларга битта зўр қўшиқ қўйиб бераман, қолган гапни кейин давом эттирамиз”, дея машина магнитафонини ёқди. Ҳаммага қадрдон бўлган қўшиқ янгради, таниқли ҳофиз ёш, навқирон овозда фахру ифтихорга тўлиб куйларди. Бу шеъриятимиз гултожи бўлган, не-не авлоднинг кўзини очган, зеҳнини уйғотган, тафаккурини чархлаган, тарихни жонлантирган “Ўзбегим” қўшиғи эди.

Йўл танобини қўшиқ тортади. Оҳанг маромида тебраниб, ҳамма ўз хаёли билан банд. Менинг тасаввуримда ўсмирлик даврим — саксонинчи йиллар, манфур шўронинг қаттол замони гавдаланади. Шу қўшиқни эшитиб синфдошларим билан қанча баҳслашганимиз, тонготар суҳбатлар, шоирга ўтказилган тазйиқлар ҳақидаги миш-мишлар... ҳамма-ҳаммаси бугун тарих.

Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим —

дейиш учун нақадар катта журъат, ўзига ишонч, халқига эътиқод керак!

Мен қўшиқ тинглаб кетаётган укаларимни зимдан кузатаман: улар овоз чиқармасдан ҳофизга жўр бўлиб куйлашяпти. Довоннинг кузга тобин чиройли манзараларига ҳам эътибор бермай, қўшиққа маҳлиё. Даҳо шоирнинг сеҳрли сатрларини жон озиғидай симириб боришяпти.

Мир Алишер наърасига
Акс-садо берди жаҳон,
Шеърият мулкида бўлди
Шоҳу султон ўзбегим.

1989 йил баҳор кунларидан бирида Тошкентга “шеърларимни ўтказгани” келдим. Хуллас, газета-журналларга бирма-бир бош суқиб, гоҳ ранжиб, гоҳ кўнглим кўтарилиб машқларимни тарқатиб бўлгач, шаҳар айланишга тушдим. Аввало, Арпапоядаги Ғафур Ғулом уй-музейига бориб академик шоирнинг ҳавосидан нафас олдим. Кейин “Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим”да тилга олинган кўл бўйларини катта шоирларга тақлидан хаёлчан кезиб юрдим. Фарғонада урф бўлмаган антиқа кийимлар кийган, юзлари очиқ, бир-биридан анвойи қизларни суқланиб томоша қиламан. Мени ҳеч ким танимайди, мен ҳеч кимни танимайман. Бундан ҳам зерикиб, Ҳамза театрига равона бўлдим. Спектакл кечқурун бўларкан, мен Фарғонага қайтишим керак. Ҳафсалам пир ҳолда энди жанубий вокзалга жўнайман деб турсам, шундоқ ёнгинамда оқ машина тўхтаб, мен ҳамма шеърларини ёд билганим, энг севимли шоирим, дадамнинг таъбири билан айтганда, “замонамиз Навоийси” бўлган Эркин Воҳидовнинг ўзи тушиб келди. Бу ҳолатни, Эркин Воҳидов билан сўрашиш тугул кўришни ҳам тасаввурига сиғдирмаган мендай ўсмирнинг аҳволини кўз олдингизга келтираверинг. Шоирга тўқ кўк костюм-шими, оппоқ кўйлаги, қорамтир қизғиш бўйинбоғи ажиб улуғворлик бахш этган, бутун бўй-бастидан, айниқса, юзларидан нур таралаётгандай кўринди кўзимга. Чамамда кутиб олиши керак бўлган одамни излаб атрофга салобат билан назар ташлади. Кейин худди ерга озор беришдан истиҳола қилгандай оҳиста қадам босиб театр биносига кириб кетди. Хуллас, мен анграйганимча қолдим. Ўзимга келганимда кеч бўлганди. Мен устознинг қўлини олиб, дастхат сўрамаганимга ўзимни ўзим роса сўкдим. Қишлоғимга бориб, Тошкентда Эркин Воҳидовни кўрдим десам ким ишонади энди? Кейинчалик устоз билан яқиндан танишиб, бемалолроқ сўзлашадиган бўлганимда, ўша биринчи марта кўрганимдаги ҳолатни айтсам, у киши мийиғларида кулиб: “Шарт бориб, енгимдан тутиб, менга қаранг, мен Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо бўламан десангиз, қучоқ очиб кўришардим”, дея лутф этдилар. Мен ҳам жавобан: “Енгингиздан тутардиму, аммо қўлим банд эди, аввалроқ этагингиздан тутгандим”, дедим.

Толеимдан хурсандман, устоз билан қанча сафарларда ёнма-ён юрдим, суҳбатларидан баҳра олдим, адабиёт ҳақида, борлиқ тўғрисида ҳеч бир китобда ёзилмаган нодир хулосаларни эшитиб, қулоғимга қуйдим. Мўътабар хонадонда туз тотдим, Гулчеҳра ая опам, Хуршидбек дўстим бўлди. Устознинг назарида эканлигим ҳамиша юрагимни нурлантириб туради. Халқ орасига мақолдай сингиб кетган, ҳеч қачон тилдан ва дилдан тушмайдиган дурдона сатрларини эшитганимда, ҳаётнинг ўзи бот-бот ёдга соладиган мисраларини эслаганимда, давраларда умрибоқий шеърларини шавқ билан ўқиганимда... бу қадар теранлик, кенглик, фалсафа, ҳаётийлик, самимият, миллийлик уйғунлиги фақат ва фақат Худо суйган ва сийлаган буюк истеъдодгагина насиб этади, деган фикрлар кўнглимдан кечиб, бутун борлиғимни шогирдлик ифтихори чулғаб олади.

Водий сафарида қаламкаш укаларим маза қилишди: янги қиёфа касб этган шаҳарларимизни, чирой очиб бораётган қишлоқларимизни, равон йўлларимизни, тадбирлару издиҳомларни кўриб, кўплар билан суҳбатлашиб катта таассурот ва илҳом олишди. Мушоираларда, баҳру байтларда асосан устознинг шеърлари айтилди.

Эркин Воҳидов ҳақида Навоий дарсларида алоҳида тўхталиб ўтаман. Унинг мумтоз шеъриятга ихлоси, билими бошқалардан бошқача. Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб, Нодира, Увайсий, Бедил, Тагор ва бошқа аллома шоирлар ҳақида ёзганлари талабаларда уларга таважжуҳ уйғотар эди.

Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини ёд олар ва фахрланиб ўқиб берардилар.

Эркин Воҳидов шеърларида инсон руҳиятидаги бадиий тафаккурни зоҳирий ва ботиний ифодалаш мушкуллиги руҳиятдаги исён деб қаламга олинган. (Ўқинг: “Руҳлар исёни”ни).

Навоий:

Қилибмен анча исёнким, агар дўзах аро кирсам,
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар бўлғай,

Худоё, афв осондурур, йўқса ғазаб қилсанг
Маҳшарки, ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай —

деб ёзганида ижодида, фаолиятида нималарга эътибор берган, нималарни четлаб ўтган, нималарга интилганига ишорадир...

Эркинжон менга туҳфа қилган китобларининг бирида жуда гўзал бахшида ёзган. Зулфия бегим билан бир учратганимда кўрсатиб, ўқиб берган эдим. Улар дарҳол ўрниларидан туриб бир китобчаларига ғоят маънодор бахшида ёзиб берган ва Эркин Воҳидовга оид суҳбат давомли бўлгани ёдимда...

Суйима ҒАНИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор

Эл устозим, мен эса толиб,
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим.

Шоирнинг ашаддий мухлиси, дўстим Олимжон билан бир куни устоз хонадонига йўқлаб борганимизда, эшик қўнғироғи садосини эшитган ҳамроҳим менга қараб: “Ака, мактабнинг қўнғироғига ўхшаркан-а овози”, деди. Мен: “Ростанам бу жуда катта мактаб, ичкарида бизни устозларнинг энг улуғи кутяпти. Ҳар сафар шу остонага келиб, қўнғироқ чаламану катта дарсга, сабоқ олгани кириб кетаман”, дедим жавобан. Эркин Воҳидовнинг умрбоқий сабоқлари қанчадан-қанча авлодни камолга етказади, адабиёт ва кўнгил қўнғироғи биз шогирдларни доимо устоз қабулига чорлайверади.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЧМАС ХОТИРОТ

Эркин Воҳидов халқпарвар, ватанпарвар шоир. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида “Палаткада ёзилган достон” асари, “Ўзбегим” қасидаси, “Шарқий қирғоқ” ва бошқа асарларини келтириш мумкин. Унинг гоҳ қувноқ, гоҳ ҳазин, оҳангларда битилган ўтли мисраларидан кейинги авлод шоирлари сабоқ олиб келаётир. Ғоявий теран, бадиий жиҳатдан пишиқ-пухта ишқий ғазаллари, ижтимоий-фалсафий мавзудаги асарлари шеърият ихлосмандларини асло беэътибор қолдирмади.

Менда Эркин Воҳидов ижодига қизиқиш шоирнинг руҳий кечинмалари, ҳис-туйғулари билан боғлиқ баҳор ҳақидаги лирик қўшиғини Ҳожиакбар Ҳамидов ижросида эшитганимдан кейин бошланган. Сабаби камина фақат А.Блок ва В.Маяковский ижодларининг ашаддий мухлиси бўлибгина қолмай, балки машҳур Ўзбекистон халқ ҳофизи раҳматли Фахриддин Умаров ва унинг иқтидорли шогирди Ҳожиакбар Ҳамидов санъатининг ҳам шайдоси эдим.

Эркин Воҳидов билан яқиндан танишиш 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошида рўй берган. Ўшанда мен 20 йил давомида қоралаган барча шеърларимни иккита папкага жойлаб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига олиб бордим. Уюшма гўзал пойтахтимизнинг Пушкин кўчасидаги 1-уйда жойлашган эди. Эшик олдида мени таниқли шоир Рамз Бобожон қарши олди. Мен Рамз акага раис ҳузурига кирмоқчилигимни айтдим. Рамз Бобожон мени Комил Яшиннинг хонасига олиб кирди.

Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин Комил Яшин биринчи папкамни очиб, бошидаги биринчи шеъримни ўқиб, юзига илиқ табассум югурган ҳолда менга қараб: “Қаламингиз кучли экан, шоир. Яшанг!” деб, узун пойгакнинг чап томонида эшиги қия очиқ хонага киришим кераклигини, у ерда шоир Эркин Воҳидов кутиб турганини айтиб, ижодимга муваффақиятлар тилаб, хайр-маъзур қилди.

У хонада мени келишган, қадди барваста, қуюқ қора қошли, юз-кўзидан меҳр ёғилиб турган, донишмандлар каби маънодор нигоҳли, истараси иссиқ йигит қуюқ табассум билан қарши олди ва ўзини Эркин Воҳидовман, деб таништирди.

Сўнг у биринчи папкамнинг боши, ўртаси ва охиридан учта шеъримни ўқиб, юз-кўзидан мамнунлик аломати аримаган ҳолда ўтирган ўрнидан туриб мени елкамдан қаттиқ қучган ҳолда: “Э, қойил-э, етук шоир экансиз-ку, шунча вақтлардан бери қаерларда юрибсиз?”, деб юзимга енгил шапатилаб қўйди. Сўнг хурсандлигини яширолмай, “Сиздек шоир билан танишганимдан хурсандман! Майли, ҳечқиси йўқ. Ҳали ҳам кеч эмас”, деди ва биринчи папкадаги шеърларимни Ғафур Ғулом номидаги нашриётга элтиб топширишимни тайинлади.

“Иккинчи папкадаги шеърларингизни менга ишонарсиз”, деб кулиб қўйди-да, ўзини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи ва айни вақтда ёшлар нашриётида бош муҳаррир вазифасида ишлашини айтиб, иккинчи китобимни ўзи мазкур нашриётда “Олтин беланчак” туркумида чоп эттириб беришни ваъда қилиб, кўнглимни тоғдек кўтарди. Орадан кўп ўтмай, ярим йилга етар-етмас иккала китобим ҳам китоб дўконлари расталаридан ўрин олди.

Лекин гап бунда эмас. Гап раҳбарнинг одамохунлиги, халқпарварлиги ва ўзининг амалини суиистеъмол қилмай, Ватан, халқ олдидаги бурчи, масъулиятини чуқур ҳис қилганидадир. Ўшанда мен Эркин Воҳидовни ҳозирги баъзи ноширлардан тубдан фарқ қилишини, уларга ўхшаб кўнгли тор эмаслигини, аксинча, бағрикенг, кўнгли очиқ, хушфеъл, қатъий иродали ва лафзи ҳалол ноширлигини амалда кўриб, тан берган эдим.

Эркин Воҳидов том маънодаги халқчил шоир эди. У нафақат ўз халқи дарду армонларини, балки жаҳон афкор оммаси дарду ҳасратлари, қайғу-аламларини ҳам юрак призмасидан ўтказган шоир. Буни “Ёшлик девони”га кирган “Замон юки” каби қатор умуминсоний байтлари, “Руҳлар исёни” ва бошқа йирик асарларида кўтарилган муаммо ва мавзулар ҳам тасдиқлаб турибди.

Эркин Воҳидов қай ерда фаолият юритмасин, ўзининг баркамол инсон, оқил раҳбар, билимдон ва бурчига содиқ, меҳнатсеварлигини тўла-тўкис намоён этди. Унинг ўчмас хотираси бизнинг қалбимизда ана шундай муҳрланиб қолажак.

Аҳмаджон ЙЎЛДОШЕВ,
журналист, филолог

МИЛЛИЙ РУҲ — БУЮК МЕЗОН

Бошланиши биринчи саҳифада.

“Учи тугук дастрўмол” – сарлавҳага олиб чиқилган бу поэтик тимсол ўзбек характери, ўзбек руҳиятини таъсирчан ва ёрқин ифодалагани билан алоҳида ажралиб туради. Муҳими, шоир бу кичик тимсол воситасида йирик бадиий умумлашмалар чиқаради. Унингча, ғунчалар – оламга сеп ёзган баҳорнинг байрамга ясанишни унутмаслик учун рўмолчасига солган тугуни. Инсон мияси – ўн тўрт миллиард учи тугик дастрўмол. Одамзод кўкрагидаги бетинч қалб бамисоли умр моҳиятини эслатиб турувчи рўмолча тугуни.

Шоир чиқарган бадиий хулоса ўқувчини инсон ҳаётининг асл моҳияти ҳақида чуқурроқ мушоҳада юритишга ундайди:

Ўйла, дўстим, келмай туриб ўша дам,
Исроф қилма ёш юракнинг кучини.
Мана бу гап ҳеч чиқмасин ёдингдан,
Тугиб қўйгин рўмолчанинг учини.

Эркин Воҳидов кўп мамлакатларда хизмат сафарларида бўлган. Қаерга бормасин, шоир қалбини Ватан ва миллат муҳаббати, бир нафас бўлсин, тарк этмагани рост. “Арарат чўққисига” шеърида мовий самога туташган, тонг энг аввал отиб, қуёш энг кейин тарк этадиган бу замин ҳақида ёзар экан, денгиздан наридаги – оқ далалари ҳарир кўйлак кийган, Аму, Сир аталган дарёлари бор ўз она диёри, севикли ёри ҳақида ўй суради. Арман қизи Азганушни васф этар экан, тоғлар ортидаги она юртини бир лаҳза бўлсин унутмайди. Бокуда Фузулий ҳайкали қошида турар экан, шеърсевар халқини ёд этади. Канада сафарида юрар экан, соат милини ҳамма сурса ҳам, шоир ўзгартирмайди: “Ер шарининг терс томонида ҳам Тошкент вақти билан яшайди”. Булар ҳаммаси миллат руҳи, ўзи мансуб она халқи ёди шоир билан бир умр ҳамнафас, ҳамқадам бўлганини кўрсатади.

Иккинчидан, миллий қадриятлар талқини шеъриятда миллий руҳ ифодасининг энг муҳим шартларидан. Миллат мавжудлиги ва миллий руҳ асоси бўлган она тилига муҳаббат ғояси Эркин Воҳидов шеъриятида ўзига хос талқин этилган. “Она тилим ўлмайди” (1976) шеърида шўролар-нинг миллий тиллар йўқолиб, фақат бир тил қолиши ҳақидаги сафсатасига жавобан Навоий, Пушкин, Данте, Шиллер, Байрон, Фирдавсий, Бальзак, Тагор, Хайём, Беранже, Лорка ва Фузулий каби буюк мутафаккирлар тилидан мана бундай бадиий ҳукм чиқаради:

Бу садо янграр ҳамон,
Сира адо бўлмайди.
Олам айтар:
Ҳеч қачон
Она тилим ўлмайди!

Шоир она тили ва миллат қисматини бири-биридан айри тасаввур эта олмайди. Унинг бу мавзуга такрор-такрор мурожаат этгани сабаби шунда. Америкалик олима Илза Сиртаутасга, украин шоири Иван Драчга бағишланган шеърларида ҳам айни руҳ устувор. Матбуот нашрларидаги суҳбатларидан бирида ижодкор бу ҳақдаги ўйларини мана бундай талқин этади: “Кейинги шеърларимда она тилимиз тўғрисида ёзганларим Марокаш сафарида туғилди, десам кўплар ажабланиши мумкин. Муносабат ҳақиқатан ҳам узоқ. Лекин гап шундаки, Марокашдаги Араб тили марказини кўриб, у ерлик олимлар араб тилини чуқур ўрганиш, уни янги атамалар билан бутун дунёда тарғиб қилиш борасида шундай ишлар қилишмоқдаки, очиғини айтганда, ўзбек тилшуносларидан хафа бўлиб кетасан киши. Бу марказда вақт-вақти билан барча араб мамлакатларидан тилшунос олимлар йиғилиб, дунё тилларида янги пайдо бўлган атамаларни араб тилида қандай ифода қилиш устида, умуман турли тиллар билан араб тилининг ўзаро алоқалари хусусида илмий кенгаш ўтказадилар. Ижтимоий терминларга ҳам, илмий-техник терминларга ҳам эквивалент топадилар. Бизнинг тилшунослик марказимиз нима билан шуғулланади, Худонинг ўзи билади... “Тилга эътибор – элга эътибор” деймиз-у ҳеч биримиз тилимиз имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни ўйламаймиз...”.

Шундай кечинмалар оғушидаги ижодкор украин шоирига бағишланган шеърида ўз изтиробини қуйидагича бадиий талқин этади:

Она тилинг учун ғам чекиб дилда
Нола қилсанг, кўкка учар фарёдим.
Етмиш етти пуштим сўзлаган тилда
Сўзларимкин яна етти авлодим.

Табиийки, шоир юрагини ўртаган бу армон ўтмиш замонга оид. Тўғри, бугун она тилимиз равнақи учун барча имконият бор. Бироқ бу имкониятлардан қай даражада фойдаланилаётир – шоирни ана шу муаммо ўйлантиради. Унинг “Сўз латофати” китоби – она тилига бўлган муҳаббатнинг беқиёс намунаси. Бу китобида ижодкор тилимиз ҳақида миллат руҳиятига ёт, тушуниксиз ажнабий терминлар, ўлик сўз ва иборалар орқали эмас, чинакам миллий руҳ, миллий атама ва тушунчалар асосида фикр юритиш, илмий-ижодий ўйларни юракни титратадиган тарзда ўзбекона ифода этиш мумкин эканини амалда намоён этди. Она тилимизнинг нечоғли қадимий тарихий илдизларга, бой ифода имкониятига эга эканини яна бир карра кўнгилларга муҳрлади. Миллий тилнинг жонли вужуд эканидан, унга заҳа етказиш оғир гуноҳ бўлишидан барчамизни яна бир марта огоҳ этди.

Шоирнинг она юрт васфига бағишланган шеърлари ҳам миллий руҳ билан суғорилган. Ижодкор шундай бир Ватан қурмоқни истайдики, унинг байроғи – инсоф, туғи – сарҳад, муҳри – меҳр бўлсин. У Ватаннинг маърифат уммонидаги елканларини қиблаи иймон сари бурмоқ бўлади. Зеро, ижодкор наздида, шўролар ваъда қилган ёлғон саодат, ёлғон эрк, ёлғон ватандан халос бўлиш, чин ҳуррият завқини суришнинг асосий шарти ҳам шу.

Яхшига яхшилик исташ осон. Бироқ ёмонга яхшилик соғиниш душвор. Ўзига ёмонлик қилганларга нисбатан ҳам бағрикенг, кечиримли бўлиш, ҳатто ғанимига ҳам Яратгандан яхшилик тилаш ўзбекнинг асл табиатида бор. Эркин Воҳидовнинг “Кечир, ё Раб” радифли ғазали ана шу фазилат бетакрор бадиий талқин этилгани билан қимматлидир.

Менга тош отди бир жоҳил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен,
У қулдир, бандан ғофил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен.
Жаҳонда фитналар бордир,
Адолат гоҳи ночордир,
Адолат қил, ўзинг одил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен.

Шоир лирик қаҳрамони тубанликка тубанлик билан жавоб қайтаришни ўзига эп кўрмайди. Воқеликка инсоний камолот чўққисидан туриб баҳо беради. Қабиҳлик боис ёмон ҳолга тушган, хато ўққа нишон бўлган эсада, агёрини кечиради. Ҳатто у синиқ одамнинг синиқ иймонига мотам тутади. Ҳақ таолодан унинг дилига эътиқодни жо айлашни сўраб илтижо қилади, ғаниминг қиёматда хижолатли ҳолга тушишидан паноҳ сўрайди. Асли нокомил бўлган одамзод янглишмоққа мойил эканини айтиб, тошотарнинг афв этилишини тилайди. Ўзбекнинг фитратини, руҳиятини бунчалик теран ифодалаш ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермаслиги аён. Самимият ва бадиийтнинг бу даражада уйғунлашуви назмий ижоддаги ноёб ҳодиса.

Учинчидан, Эркин Воҳидов шеърларида миллий руҳ фикрнинг бадиий ифодасида ҳам ўзига хос кўринишларда намоён бўлгани кузатилади. Қуйидаги китъа бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга:

Истасанг тоза кўнгилга
кўнмасин зарра ғубор,
Пок сўзу пок иш ва пок дил,
пок хаёл бўлмоқ керак.

Халқимизнинг бир неча минг йиллик мақол ва маталларидан, ҳазрат Алишер Навоий “Хамса”сидан бизга маълумки, инсоннинг наинки “кўнгли поку ҳам кўзи пок”, балки “тили поку сўзи поку ўзи пок” бўлиши унинг фазилати улуғ эканидан далолат беради. Эркин Воҳидов ана шу ҳақиқатни бугунги замон ўқувчисига мос тарзда, ўзига хос талқин этади:

Жисму жонимга десанг
бегона бўлсин хасталик,
Ишқ завқу дарди бирлан
хастаҳол бўлмоқ керак.

Шоирнинг маҳорати шундаки, сўзни ўзи истаган йўриққа юргиза олади. Сўзлардаги зоҳирий шакл уйғунлигидан санъаткорона истифода эта билади. Сўзлар интизомли аскарлар сингари ижодкор амрига сўзсиз бўйсунади. Натижада теран мазмун ва гўзал бадиият мутаносиблиги таъминланади. Қуйидаги сатрларда дори номи бўлган “карвалол” билан “кар ва лол” ҳосил қилган тажнис муаллифнинг шеърдан кўзда тутилган бадиий ниятини тўлақонли ифода этган:

Қалбга истарсан шифо гар,
бўл ёмон сўздан йироқ,
Карвалол ичмоқ керакмас,
кар ва лол бўлмоқ керак.

Сўз латофатини, сўз сеҳрини инжа ҳис эта билмоқ – ижоднинг, ижодкорликнинг асосий шарти. Фикрни аниқ, лўнда, образли ифодалашни талаб этадиган адабий тур – шеъриятда бу фазилат ўн карра, юз карра зарур. Оҳорли сўз ва ибораларни юксак бадииятга хизмат қилдира билиш, оз сўзга кўп маъно юклай олиш, сўз дурларини маржондек тизиб, маъно оламини нурлантириб юбориш салоҳияти, миллий руҳнинг бетакрор талқини – Эркин Воҳидов шеърияти ана шу хусусиятларига кўра ҳам биз учун қадрлидир.

Ҳақиқатан, муайян халқ шеъриятининг бўй-бастини, ўзига хослигини белгиловчи бош мезон айнан миллий руҳдир. Эркин Воҳидов миллий руҳнинг бетакрор ифодаси билан адабиётимиз равнақига беқиёс ҳисса қўшди. Шоир назмий мероси истеъдодларнинг бугунги ва келажак авлодлари учун беназир ижодий мактаб ўлароқ бундан кейин ҳам миллат адабий-эстетик тафаккури ривожига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор



Сурат Содиқ Маҳкамов бисотидан олинди.

Қадрдоним ва сафдошим Эркин Воҳидов чинакам олтин истеъдод соҳибидир. Шоиримизнинг овозини бошқа бирон қаламкаш такрорлаши сира мумкин эмас. Аллоҳ таоло ижодкоримиз қўр тўкиб ўтирадиган курсисини ўзи билан бирга қўшиб яратган. Эркин Воҳидов ўз ижоди билан адабиётимиз тарихида собит турган шахсдир. Биз шоир билан турфа даврлар ва мафкураларнинг чиғириғидан ёнма-ён ўтдик. Гоҳ туҳмат тошлари остида, гоҳида таъқиб ва тазйиқлар остида қолган пайтларимиз ҳам кўп бўлди. Аммо мана шу ажойиб шеърият ўз тароватини йўқотмади...

Бугунги кунда Эркин Воҳидовнинг “Руҳлар исёни”, “Нидо”, “Ёшлик девони”, “Ўзбегим”, “Инсон” қасидалари аллақачон миллий адабиётимизнинг дурдоналарига айланиб бўлди. Айниқса, шоирнинг ўтган йили нашр этилган “Сўз латофати” асари истиқлол йилларида ўзининг тарихий латофатига қайтган ўзбек тилининг лисоний бойлиги, имкониятларини яна бир карра намоён этди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони

БЕДОРЛИК САОДАТИ

Ижодкор адабий-тарихий жараённи тушунишига, муайян ҳодисаларни англашига, талқин этишига кўра бадиий сўз эстетикасига ўз улушини қўшади. Шу маънода сўз санъаткорининг ижодини адабий-эстетик қарашларидан холи ўрганиб бўлмайди. Эркин Воҳидовнинг “Шоиру шеъру шуур”, “Изтироб” тўпламлари мундарижасини белгилаган, вақтли матбуотда босилиб чиққан адабий жараён психологиясига, бадиий ижод фалсафасига оид мақолалари (“Янги аср остонасидаги ўйлар” сингари), суҳбатлари, фикр-мулоҳазаларида адабий-эстетик қарашлари мужассамлашган. Улар шоирнинг асарлари мағзи-моҳиятини англашимизда бизга кўмак беради.

Эркин Воҳидов эстетикасида инсоннинг маънавий-интеллектуал камолотига алоҳида урғу берилади. Шоирнинг нуқтаи назарига кўра инсон тириклигининг маъноси, ҳаётининг мазмуни, шароит ва муҳитдан қатъий назар, ўз шахсида комиллик хислат-хусусиятларини муттасил такомиллаштиришга интилишдан иборат. Маънавиятни, тирикликни гўзаллаштириш баробарида ҳаётни ва жамиятни янада гўзаллаштириш бош муддаодир.

Эркин Воҳидовнинг бадиий асарга, ижодкорга, ўз изланишларига бўлган талаблари ана шу ижтимоий заруратдан келиб чиқади. Унинг ишончэътиқодига кўра ижодкор ҳамиша ҳаёт маъносини излаши, ўз тириклигини эзгуликка, олижанобликка сафарбар этмоғи, адолатнинг қарор топишига қаратмоғи лозим.

Шоирнинг бадиий дунёсида икки йўналиш бўртиб кўзга ташланади. Биринчиси, гўзалликни тасдиқлаш орқали хунукликка қарши курашиш, иккинчиси, жамиятдаги ва одамлар феъл-атворидаги иллатларни суратлантириш воситасида ҳаётдаги, одамлар табиатидаги маънавий-интеллектуал фазилатларни олқишлаш.

Эркин Воҳидов шеъриятида “шодлик учун яралган олам, севмоқ учун берилган ҳаёт”. Одамлар эса, “дунёга сайқал бериш учун оламаро яралган”. “Ерни гўзал қилган сайин гўзал бўлар ўзи ҳам инсон”. Шу боисдан ҳам “чечаклар таъзим қилса” ҳар бирини қўлга олгиси, “тўйиб-тўйиб боққиси, куйга солгиси” келади. Шоир учун “бу ҳаёт гулбоғида яшамоқ бор, севмоқ бор”. Шунинг учун ҳам шоир тасвирида одамлар эътиқодли, саботли, матонатли. Шаҳар эса “юрак шаклида”, у “садоқатга макон”. “Шаҳарчада фақат сарви гулу сунбуллар” ўсишига, “гул шохида эртаю кеч” булбуллар сайрашига, “товуслар тинч хиром” этишига орзуманд.

Кўринадики, маънавий-ахлоқий гўзалликни куйлаш ҳаётдаги, жамиятдаги, одамлар табиатидаги улуғворлиқ, буюклик сингари хислат-фазилатларни тасдиқлаш учун хизмат қилаётир. Лирик қаҳрамон қалби ва кайфиятидаги рангинликни ифодалашда, туйғуларига хилма-хил тимсоллар танлашда шоир табиат манзараларига мурожаат этади. Шу боисдан ҳам Эркин Воҳидовнинг образлари ва тасвирий воситаларида оҳанг, ранг, мусиқа жилвалари кўплаб учрайди. Аксари сатрлари замирига манзара, мусиқа, гуллар ранги яширинган.

Эркин Воҳидов ижодида шахс ва жамият психологиясини акс эттириш етакчилик қилади. Бу борада ижтимоий-фалсафий таҳлил поэтик тадқиқотчиликда бош йўналиш. Хусусан, инсон умрининг моҳияти, тириклик маънолари билан боғлиқ бадиий фикр такомилини “Руҳлар исёни” поэмаси мисолида кузатишга ҳаракат қилайлик. Ушбу поэма яна шоирнинг адабий-эстетик қарашларидаги жиддий сифат ўзгаришларидан воқиф этиши билан ҳам аҳамиятли.

“Руҳлар исёни” поэмасида шоирнинг бадиий ғоялари реал ҳаёт манзаралари билан ёндош келган афсона, ривоятлар воситасидаги фалсафий талқинларда ифодаланади. Шоир ижтимоий-бадиий фикрларини Назрул Ислом ҳаёти ва тақдирига уйғунликда акс эттиришга эришган. Поэма муқаддимасида шоир ёзади: “Назрул Исломнинг эркпарвар нидоси халқни бирлаштирмоққа, қабиҳ мустамлакачилик зулмига қарши жанг қилмоққа чорлади. Шоир номи бутун Ҳиндистонда исёнкорлик тимсоли бўлди. “Руҳлар исёни” умуман шоирлик, инсонлик, фидойилик, эрк тантанаси ҳақида”. Кейинроқ бир суҳбатида алоҳида таъкидлайди: “...гарчанд поэма Назрул Исломга бағишланган бўлса-да, асар фақат оташин шоир ҳаёти ифодасидан иборат эмас. Унда мен шоир ҳаёти баҳонасида ўзимнинг умуман шоирлик, инсонлик, фидойилик, эрк ташналиги ҳақидаги, эркка ташна ижод аҳлининг замонаси, халқи билан мураккаб муносабати ҳақидаги, қолаверса, инсон ҳаётининг маъноси, ҳаётнинг ҳам шафқатсиз, ҳам адолатли ҳақиқати ҳақидаги ўй-мулоҳазаларимни китобхон билан баҳам кўришга интилдим”. Озодликка ташналик туйғуси билан зулм ўртасидаги зиддият, курашнинг фалсафий талқини поэма бадииятини белгилаб берган. Зулмнинг табиати, залолатнинг ижтимоий моҳияти ҳақидаги оловли, эҳтиросли фикр-мушоҳадалар асарнинг фалсафий мазмунини асослайди.

Назрул Ислом халқни бирликка, иттифоқликка, ҳамжиҳатликка ундайди, адоватга барҳам бериб, аввало, босқинчини уммонга улоқтиришга даъват қилади. Зеро, босқинчининг қадим-қадимдан муддаоси аён. Эл ичида нифоқ кўзғаб ўзини омон сақлашга уринади. Жаҳолатнинг оловида исинади. Асарда зулм-залолатнинг бадиий талқинида икки йўналиш кўзга ташланади. Хусусан, зулм Тангри таолонинг бандасига илтифотими ёки шаккоклиги учун жаннатдан қувилган инсонга зуғумими? Ёхуд банданинг феълидаги шайтон ўйинларими? Туҳмат деб аталган залолат Назрул Исломни зиндонга элтади. Жаҳолат, қабоҳат, ёлғон сингари норасоликлар зулмнинг қабиҳ шаклларидир: “Туҳмат билан Назрул Ислом номи минг балога тақалди. Эл учун жон тиккан шоир эл душмани аталди”. “Кенг жаҳонга сиғмаган эдим, сиғдим тор зиндонга”, дея надомат чекади Назрул Ислом. Олий руҳлар шоир руҳини олиб кўкка парвоз этадилар. Тор зиндонга фақат жону жисмини ташлаб кетадилар...

Шу ўринда бир савол туғилади: зулм-залолат инсон билан бирга кўз очганми? Ёхуд инсон Тангри измига юрмай жаннатдан бадарға бўлганда билиб-билмай еб қўйган мевасининг таркибида залолат бормиди?..

Асар, шу тахлит сўнгсиз ўйларга толдиради. Муттасил фикрлашга ундаши, ўйларга чўмдириши, мушоҳадалар уйғотиши аслида поэманинг юксак бадиий-эстетик таъсир қувватидандир, бадииятининг таъсир тароватидандир. Инсон руҳиятини фалсафий-психологик таҳлил этишнинг кўркам самарасидир.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

“КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...”

Шарқ адабиётида ғоят кўҳна, айни чоғда хийла мураккаб жанр ҳисобланган ғазалнинг янгиланиши ҳамда оммалашувида Эркин Воҳидовнинг хизмати катта. Академик шоир Ғафур Ғулом таъбири билан айтганда, Эркин Воҳидов мудраган арузни уйғотиб юборди. Шоир истеъдодининг кўзгуси эканлигини исботловчи ғазалларидан бири “Кимда иқтидор йўқдир” мисраси билан бошланади. Атиги олти байт(12 мисра)дан иборат ушбу асар ўз сюжети ва композициясига эга. Унда қўлланилган биронта сўзни алмаштиришнинг ҳам, олиб ташлашнинг ҳам иложи йўқ.

Ғазалда “иқтидор” таянч сўз. Бу сўз арабча бўлиб, “куч-қувват, қудрат, қодирлик, қобилият, ҳолат” деган маъноларни англатади. Кейинги пайтда сўзнинг маъноси янада кенгайди. Умумтаълим мактаблари, лицейлар, коллежларда “иқтидорли ўқувчилар синфи”, алоҳида “иқтидорли ўқувчилар мактаби”, олий ўқув юртларида эса иқтидорли талабаларни танлаб тарбиялаш бўйича “устоз-шогирдлик” тизими йўлга қўйилгани фикримиз тасдиғидир. Шоир барча ғазалларида амал қилганидек, бу асарида ҳам ҳар бир танланган сўзнинг бош ва ёрдамчи маънолари билан товланишига, ўқувчига кўпроқ маълумот беришга интилади. Радиф учун танланган “зое” сўзи шу жиҳатдан характерлидир. Бу сўз “йўқолган, нобуд бўлган, бекор кетган, фойдасиз, яроқсиз, зиён етказиш, зарар келтириш” сингари маъноларни англатади. Шоир бу маънолар орасида сўзнинг “фойдасиз, бефойда” деган маъносига асосий эътиборини қаратади. Натижада ғазалдан иқтидорсиз кишининг умри фойдасиз ўтади, деган фикр келиб чиқади ва асарнинг тарбиявий аҳамиятини орттиради.

Одатда лирик турга оид асарларда воқеа эмас, балки шоирнинг ўй-фикрлари, лирик қаҳрамоннинг ҳис-кечинмалари ифодаланади. Ушбу ғазал ўзига хос композиция асосига қурилган бўлиб, баён қилинаётган фикр занжир халқалари сингари бир-бири билан боғланиб, маънони тўлдириб, байтма-байт ўсиб, ривожланиб боради. Композиция ўз ичига сюжетнинг барча элементларини қамраб олади ва улар ўз ўрнида келиб асар яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Матлада иқтидорсиз кишида илм ҳам, ҳунар ҳам бўлмаслиги, буларни ўргатишга уриниш фойдасиз эканлиги айтилади:

Кимда иқтидор йўқдир, илм ила ҳунар зое,
Иқтидор берурман деб чекма ранж, кетар зое.

Кейинги байтда ушбу фикр ривожини кузатамиз. Яъни бундай одам иқтидорсизлиги туфайли омадсизликка маҳкумдир, у қўлида борини ҳам бой беради. Унга моддий ёрдам бериш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳам фойдаси йўқ.

Кимда асли толе йўқ, нақди ҳам кетар қўлдан,
Берганинг билан бўлмас олтину гуҳар зое.

Учинчи байт фикр тугуни вазифасини бажаради. Шоир ҳамиятсиз шахс таърифига ўтади. Ўқувчи иқтидорсиз, қобилиятсиз кишининг ҳамиятсизликка қандай дахли бор, деб ўйлаши мумкин. Сўзлар силсиласидан сизиб чиқаётган маъно эса боғлиқликни аниқ кўрсатиб турибди: модомики, иқтидорсизлиги туфайли ўзгаларнинг ёрдамини қабул қилмаётган экан, бундай толесиз кимсада ҳамият бўлмайди, у жиззаки, такаббур бўлиб, бошқаларнинг назаридан қолади:

Кимки беҳамиятдир, четдадир назардан ҳам,
Чунки беҳамиятга солганинг назар зое.

Ғазалнинг тўртинчи-бешинчи байтлари шоир айтмоқчи бўлган фикр-ғоянинг кульминациясини ташкил этади. Иқтидорсиз кимсада на илм, на ҳунар бўлмас ва уларни ўргатиш бефойда экан, бундай қашшоқ одамнинг юраги музга айланади. Муз юракни эса мингта куёшнинг ҳарорати ҳам эрита олмайди:

Кимки муз юрак бўлса, ўйлама эритмакни,
Минг қуёш ёқиб қўйсанг қилмагай асар, зое.

Атрофидаги воқеа-ҳодисаларга, одамларга, ҳаётга лоқайд, бепарво қарайдиган қўрқоқдир. У ўзини ҳарчанд ботир қиёфасида кўрсатиш учун белига “тилла нақш камар” боғлаб, арғумоқ миниб чиранмасин, барчаси бефойда:

Гар қуён юракли эр жазм этар баҳодирлик,
Унга арғумоқ эсиз, тилла нақш камар зое.

Ғазал ечими ниҳоятда ўзига хос. Шоир фикрларини хотималаб, айтганларини “насиҳат” дейди. Одатда, насиҳат кишига холисона айтилади, унга амал қилиш-қилмаслик тингловчининг ўзига ҳавола. Халқ тафаккурига таянган шоир иқтидорсиз кишига айтаётган бу “насиҳат”ни ҳам аслида фойдасизлигини кўнглида сезиб туради:

Бу насиҳатни Эркин ёзди бир сабаб бирлан,
Кўнглида сезар аммо, шеъри бесамар, зое.

Бироқ “бир сабаб бирлан” айтилган бу фикрлар бир иқтидорсиз мардумга таъсир қилмаса-да бошқасининг кўнглига йўл топади — шеър бесамар, фойдасиз кетмайди. Иқтидорсиз кишининг фожиаси тўғрисида огоҳлантирувчи бу ғазал дили пок, кўзи очиқ, фикри тиниқ, чин маънодаги иқтидорли ўқувчиларни ҳушёрликка чорлайди, уларнинг кўзини очади.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

НУРЛИ ИМЗО

Шоир каби ўйчан ўтмоқда кунлар,
Паришон дарахтлар кўксида армон.
Ярмида узилган, ярмида қолган
Шеърнинг давомини излайди осмон.

Гулнинг баргидайин нафис мисралар,
Кўнгилдан кўнгилга беради жаранг.
Қуёшга қараган дил ойнасига,
Дилбар ғазаллардан сачрар гўзал ранг.

Шоирим, ошиқлик нелигин билдим,
Ошиқ шеърларингнинг ҳароратидан.
То ҳануз юрагим ичида дунё,
Сарҳуш тортар рангин сўз ҳайратидан.

Ўзбекнинг кимлигин айтдинг оламга,
Ҳақиқат кўзига боққанча мағрур.
Ўшанда миллатнинг орзуларидан
Сенинг кўзларингга кўчган эди нур.

Энди Чиғатойнинг майсалари ҳам,
Шоир бўлар сенинг шеърингни айтиб.
Сен эса ғазалу шеърларинг билан,
Ҳар кун дилимизга келасан қайтиб.

Абдуғани айтар ҳақ сўзни бугун,
Уйғотиб мудраган еру самони.
Ҳеч не ўчиролмас халқнинг кўнглига
Эркин Воҳид қўйган нурли имзони.

Абдуғани СУЛАЙМОН

“ОЛТИН ДЕВОР”ДАН “РУҲЛАР ИСЁНИ”ГАЧА

Эркин Воҳидов ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам шоир эди. Ҳатто йўл-йўлакай суҳбатларда ҳам, ё бирон тадбир-анжуманда ҳам шунчаки жўн, енгил сўзламасди. Ҳар бир сўзни доналаб, шошмасдан, оҳангини топиб, мағзини чақиб, марвариддек териб гапирарди. Бу фазилат унинг песа ва драматик достонлари орқали театр саҳнасига ҳам кириб келган.

Устоз шоирни драматурглар сафига қўшган ва машҳур қилган саҳна асари “Олтин девор” комедиясидир. Мазкур комедия 1970 йили илк бор атоқли режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Тошхўжа Хўжаев томонидан Ўзбек миллий академик драма театрида саҳналаштирилди. Қарийб, ярим аср муқаддам саҳна юзини кўрган ушбу асар неча юз марталаб ўйналиб, халқимизга ёд бўлиб кетса-да, ҳали-ҳануз телевидение орқали намойиш этилганда, томошабинни экранга “михлаб” қўяди, десак муболаға бўлмас.

Гарчи, асар сюжети ва композицияси содда, жўн кўринса-да, қаҳрамонлари содда, камтар, камсуқум, сипо ва одамохунлиги билан томошабинлар меҳрини қозона олди. Айниқса, асарнинг туб моҳиятига сингиб кетган халқона юмор, спектакл жозибаси ва муваффақиятининг асосий омилларидан бўлди. Албатта, бунда бош қаҳрамон Мўмин ролининг ижрочиси Фани Аъзамовнинг бекиёс ҳиссаси борлигини эътироф этиш лозим.

Спектаклда ҳалоллик ва очкўзлик ўртасида муросасиз кураш кетади. Бу қарама-қарши туйғулар Мўминни ўзгалар билан эмас, ўз-ўзи билан, ўз виждони ва шайтоний нафси билан “жанг” майдонига ташлайди.

Икки қўшни — Абдусалом билан Мўмин қуда бўлиш ҳаракатида. Тўйни бир жойда ўтказиш учун ўртадаги девор бузилади. Иттифоқо, девор орасидан бир хумча тилла чиқади. Хуллас, қўшнилар талашиб-тортишиб, тиллани бўлиб олишади. Дарҳол орага шайтон “аралашади”, шу баҳона қўшничилик ҳам, қудачилик ҳам барбод бўлиб, ўртадаги девор қайта тикланади. Шу лаҳзадан, Мўминнинг тинчи бузилади, ороми йўқолади ва томошабин воқеанинг охири нима бўлишини кутиб, мириқиб томоша қилади.


Эркин Воҳидов илк песасининг бу қадар машҳур бўлиб кетиши сабаблари бор, албатта. Энг аввало, муаллиф театр жамоаси билан бақамти ижод қилгани, репетиция жараёнларида туғилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни сабр билан тинглагани, кези келганда эринмай асарга сингдира олганини айтиш жоиз. Фани Аъзамов билан бир суҳбатимиз ёдга тушади: “Ҳар қандай песа театрга тўлиқ, мукаммал ҳолда келмайди, — деганди устоз санъаткор. — Уни саҳнага мослаб, пишитадиган режиссёр, қолаверса, актёрларнинг ўзлари. “Олтин девор” ижод жараёнида пишиб етилди. Янги воқеалар, кўринишлар киритилди. Лекин яна нимадир етишмасди. Шунда миямга “Мўминни уйлантириш керак”, деган фикр келди. Песада Мўмин ҳам Абдусаломдек ёлғиз эди. Фикримни муаллифга айтдим. Унга маъқул келди. Спектаклга Ҳуринисо образининг киритилиши воқеаларни янада жонлантириш билан бирга, Мўминнинг ички кечинмаларини тўлароқ очишга ҳам катта ёрдам берди. Шу зайл саҳнада оқсоқол образи ҳам пайдо бўлди”.

Эркин Воҳидов жамоа фикрини тезда англаб, песани бир сидра қайта кўриб чиқди ва узоқ йиллар миллионлаб томошабинлар қайта-қайта кўриб завқланишдан зерикмай келаётган ажойиб саҳна асарини яратди.

Орадан ўн йил ўтиб, Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри репертуарида адибнинг “Истанбул фожиаси” шеърий драмаси пайдо бўлди. Бу мураккаб асарни режиссёр Неъмат Пардаев жузъий ўзгаришлар билан саҳнага олиб чиқди. Спектаклда муҳаббат, нафрат, садоқат, хиёнат сингари инсоний туйғулар Ватан туйғуси, она юрт соғинчи билан муштарак ҳолда, ҳам ижтимоий, ҳам лирик-романтик, ҳам психологик контраст бўёқларда талқин қилинади. Айниқса, ўз юртидан узоқда, дарбадар, муҳожир бўлиб кун кечираётган кимсаларнинг аянчли қисмати ва изтиробларини лўнда, йирик бадиий лавҳаларда ифода этишга жиддий аҳамият берилгани сезилиб туради. Бунда асар қаҳрамонларини гавдалантирган иқтидорли санъаткорлар Р.Маматалиев, Т.Эргашев, Г.Равшанова ва бошқаларнинг ижодий изланиши самарали бўлган. Мазкур асар 1988 йили Ўзбек миллий академик драма театрида режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев томонидан саҳналаштирилиб, кўп йиллар намойиш этилди.

Э. Воҳидов қаламига мансуб яна бир асар 1995 йили Хоразм вилоят мусиқали драма театрида саҳна юзини кўрди. Бу сафар “Иккинчи тумор” спектакли томошабинларга ҳавола этилди. Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Маҳкам Муҳамедов саҳналаштирди. Ушбу спектаклда на ҳаётий, на раҳбарлик тажрибасига эга бўлмаган соҳадан мутлақо йироқ ва бехабар кимсани бошлиқ қилиб қўйиш орқали синов ва тажрибалар ўтказиш нақадар беўхшов, траги-фарс оқибатларга олиб келиши ҳақида ҳикоя қилинади. Режиссёр рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби О.Оллабергонов билан биргаликда янги бадиий-саҳнавий ифода воситаларини излаб топишга интилди. Бу ҳолат баъзи ўринларда воқеалар шартли, хаёлий ва рамзий ишоралар орқали талқин қилинишида намоён бўлади. Шунингдек, ўрни билан Эркин Воҳидов шеърларидан намуналар киритилгани, енгил ҳазил, юмор ва баъзан сатирик лавҳаларнинг “сачраб” туриши спектаклнинг эмоционал-эстетик таъсирчанлигини оширган. Албатта, Ж.Шомуродов, А.Йўлдошев, Г.Раҳимова, Ш.Рамазонова ва бошқаларнинг ижодий изланиши ҳам кенг жамоатчилик томонидан муносиб эътироф этилди.

Орадан ўн йил ўтиб, 2005 йили Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида “Ўзбектеатр” бирлашмаси лойиҳаси асосида Эркин Воҳидовнинг “Руҳлар исёни” достони асосида оригинал саҳна асари дунёга келди. Маълумки, “Руҳлар исёни” ўтган аср ўзбек адабиётининг энг ёрқин намуналаридан бўлиб, унда бутун



инсоният туйғулари, ҳаёт ва инсон ҳақидаги ўй-фикрлар, орзу-интилишлар ўзига хос бадиий ифодасини топган. Ушбу асарни саҳналаштириш ҳақида ўйлаганимда, аввало, ижодий ҳамкорлик масаласи ўртага чиқди. Ўзбекистон халқ артисти Ғайрат Раҳимов, Ўзбекистон халқ артисти Ҳусниддин Шермуҳамедов, Ўзбекистон халқ артисти Ҳусниддин Ҳасан

ДЎРМОН МУШОИРАСИ

Дўрмонда янграган шеърлар орасида тагдор, бироқ беозор, мазмун-мундарижаси ҳазил-мутойибага уйғунлари ҳам кўп ўқилади. Машҳур шоиримиз Эркин Воҳидовнинг бундай дилтортар, дўстона назмий мутойибалари давраларга хуш кайфият бағишлар, қаҳқаҳа ва олқишу қарсаклар билан қутланарди. Ижодкорларнинг ҳар бирига хос хусусиятлари, феълу атворидан тортиб равиш-рафторию қадду бастигача устоз шоир мисраларида муҳрланиб қолганига қуйидаги ҳазил шеърларни ўқиб ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.



ИККИНЧИ ЁШЛИК

(Умарали Норматовга)

Умарали ака саксон ёшида
От бериб улоққа солса ярайди.
Ғайрати жўш урган йигит қошида
Улуғ ёш уялиб ерга қарайди.

НЕ ИЛОЖ!

(Ўткир Ҳошимовга)

Гарчи етмаса-да ёши ёшимга,
Гап бермайди, чиқиб олган бошимга.
Ўзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам ўткир,
Тан бермай не илож Ўткир Ҳошимга.

ОЛТИН КЎПРИК

(Носир Фозиловга)

Собит Муқон уни деган, Носир ўзбек,
Носир қозоқ — устоз Қаҳҳор ибораси.
У икки халқ ўртасида олтин кўприк,
Олтин! Аммо бунда йўқ ранг ишораси.

ОТДОШЛАР

(Турсунбой Адашбоев ва Турсун Алига)

Турсунбойга деди Турсунбой:
— Адаш!
Шартми иккимизни Турсунбой аташ?
Шеърхон адашмасин, бўлайлик энди
Сен — Турсун Али, Мен — Турсунбой Адаш.

НАЗМ ВА БАЗМ

(Азим Суюнга)

Эй дўст!
Сен ҳам бир ўқи-чи назм, суюн-чи!
Назм туғилган кун базм, суюнчи.

Эй дўст, деб барчага севинч улашган
Шоир йўқми? Бор-да! Азим Суюн-чи?

ФАЗОГИР

(Дадахон Нурийга)

Икки фазогир бор осмонга учган,
Яшил сайёрани она деб қучган.
Ракетада чиққан Гагарин Юрий,
Газетада чиққан Дадахон Нурий.

ШЕЪР ВА ҚУРОЛ

(Анвар Обиджонга)

Шоир Анвар Обиджонга ҳазил шеър йўқ,
Ўйлар, акам тўрт йўл ёзса ўлардими?
Унинг ўзи тўппонча-ку, ҳар сўзи ўқ,
Қурол билан ҳазиллашиб бўлардими?

ИККИ ДЎСТ

(Х. Дўстмуҳаммад ва М. Муҳаммаддўстга)

Икки адиб, иккиси ҳам бекаму кўст,
Бир-бирига ҳеч ўхшамас, бу ҳам дуруст.
Мурод зиҳор Хуршиддан кам нур таратмас,
Дўстлар ёндош — Дўстмуҳаммад,
Муҳаммаддўст.

ГАРАША

(Саъдулла Ҳакимга)

Шоир ўсган қишлоқ номи Гарашадир,
Жамолига тоғлар тўймай қарашадир.
Гар Саъдулла Ҳакимга у ярашиқ ер,
Саъдулла ҳам Гарашага ярашадир.

МУСОФИР

(Рустам Мусурмонга)

Тошкентнинг Рустамдек шоири бўлмоқ
Қишлоқ йигитига ҳеч осон бўлмас.
Ўзбекнинг қадимий ҳикмати бундоқ:
Мусофир бўлмаган Мусурмон бўлмас.

ШОҲ ВА ГАДО

(Мирпўлат Мирзога)

Шеър унга ҳам ҳунар, ҳам ғизо,
Ҳалол ижод луқмасин еди.
Литгазета, Мирпўлат Мирзо —
Ўз қалбининг султони, деди.
Не ажаб, рост бу одил садо,
Шоир қалби ҳам шоҳ, ҳам гадо.

ҚУРБОН ЎЛАМ

(Шукур Қурбонга)

Шукур Қурбон бўлиш осонмас,
Яшамасанг шеър ғамини еб.
Ёш шоирлар куйлар басма-бас
«Қурбон ўлам» деб.

ЮКСАКЛИКДА

(Маҳмуд Тоирга)

Халқ таниган халқ шоири — Маҳмуд Тоир
Ширин байтлар айтди она юртга доир.
У Паркентдан қараганда пойидадир —
Бу ён Лондон, Париж, у ён Ал-Жазоир.

ЛАЗГИ

(Омон Матжонга)

Ўзбек азал-абад ғазал шайдоси,
Айниқса, шеърпараст Хоразм томон.
Ана, келиб қолди «Лазги» садоси:
«Омон-ей, Омон!»

ЮЛДУЗЛАР БАҒРИДА

(Улуғбек Ҳамдамга)

Юлдузга юлдузлар ошнолиги бор,
Фалакда ёлғизмас «Шарқ юлдузи» ҳам.
Навоий унга Ёр, Бобур Мададкор,
Беруний Ҳамнафас, Улуғбек Ҳамдам.

ЗАВҚЛИ ЙИГИТ

(Низом Комиловга)

У шеър ёзган.
Бармоқ — аруз фарқламаган.
Оттанда ҳам кеча-кундуз фарқламаган.
Кўп йилларки, ғазал ёзмас, отмайди ҳам,
Лекин завқ бор, кайф то ҳануз тарқамаган.

ИСМ САОДАТИ

(Сирожиддин Саййид ва Иқбол Мирзога)

Иқбол Мирзо исми — толе нишони,
Сирожиддин Саййид — бахт чароғидир.
Саодатли экан юртим шеърхони,
Омади қўшалоқ келган чоғидир.

ИМЗО

(Муаллифнинг ўзига)

У шеър ёзиб бир замон
Кўп хатога йўл қўйди.
Ўзи бўлиб пушаймон
“Э, воҳ”, дея қўл қўйди.

ҚЎШИҚ — ҚАЛБ ҚАНОТИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов нафақат шеъриятимиз, драматургиямиз бисотини бойитган, балки қўшиқчилигимиз хазинасини ҳам юзлаб сара дурдоналар билан зийнатлаган серқирра ижодкор эди. Устоз қаламига мансуб биргина “Ўзбегим” шеърини ўнга яқин хонанда ўзига хос услубда ижро этган. “Инсон” қасидаси, “Айриликлар ҳақидаги ўлан”, “Ойнинг ўн беши...”, “Бир қадам”, “Чўққидан бир кичик тош юмаласа...”, “Кўзгу”, “Ватан” каби қўшиқлар миллионлаб мухлисларнинг кўнгил мулкига айланган.

Устоз Эркин Воҳидов суҳбатларнинг бирида “Шеър — кўнгил мулки бўлса, қўшиқ — қалб қанотидир, яхши ашула тинглаганда инсон руҳияти юксалгандай бўлади”, дея лутф этган. Шоирни яқиндан таниган дўстлари, шогирдларининг айтишича, Эркин ака, айниқса, Ўзбекистон халқ ҳофизи Қобилжон Юсупов куйлаган “Дўст билан обод уйинг”, “Барча шодлик сенга бўлсин” қўшиқларини ўзгача мароқ билан тинглаган экан. Мазкур қўшиқлар диди нозик минглаб тингловчиларни ҳам мафтун этгани рост.

Дўст билан обод уйинг
Гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса
Вайронадир кошона ҳам.

Юртимизда ушбу сатрларни билмаган, ҳеч йўқса, икки-уч бор эшитмаган киши топилмаса керак. Қобилжон Юсуповни элга суюмли қилган айни таронадаги матн ғоят самимий, табиий шавқ билан битилгани, шарқона ва халқона ҳикматлар дилга яқин оҳанглар бағрига жойлангани учун ҳам такрор-такрор эшитиб ҳузурланамиз. Эътиборга лойиқ яна бир муҳим жиҳат шундаки, қўшиқнинг илк сатрлари дўсту улфатлар жам бўлган аксар давраларда, албатта, айтилади. Мазкур шеър халқ орасида “Қанотли сўзлар” сифатида жуда машҳур, ҳатто мақол даражасига кўтарилган, десак муболаға бўлмас.

Барча шодлик сенга бўлсин
Бор ситам, зорлик менга.
Барча дилдорлик сенга-ю
Барча хушторлик менга.

Юқоридаги сатрлар билан бошланувчи қўшиқ ҳам Қобилжон Юсупов ижод бўстонининг гултожларидан дейиш мумкин. Бу ғазалнинг матлаасини — бош сатрларини санъатдан бироз хабари бор ҳар қандай киши ёд билади. Севган ёрига дунёнинг барча яхшилигини тилаб, жами машаққатларни ўз кифтига ортишга тайёр ошиқларнинг ғоят муносиб изҳори сифатида янграйди ушбу қўшиқ.

Бу ёруғ оламда кўнгил бор экан, қалбнинг энг нодир жавҳари — меҳру муҳаббат барҳаёт экан, Эркин Воҳидов шеърлари асосида дунёга келган юқоридаги сингари қўшиқлар доим янграб, дилларни хушнуд этаверади.

Азизбек ЗОКИРОВ

ХАЛҚ СЕВГАН ШОИР

Эҳтиром

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ўтказилмоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ижоди билан қорақалпоқ ўқувчилари яхши таниш, — деди талбирни очар экан институт ректори Қувончбой Ўразмбетов. — Шоир қорақалпоқ адиблари, асосан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов билан қадрдон дўст эди. Ибройим Юсупов таржимасида шоирнинг “Ғазаллар” китоби, Ғалим Сейтназаров таржимасида “Ёруғ юлдузлар”, Шарафиддин Аяпов таржимасида “Руҳлар исёни” шеърлар ва достонлар китоби нашр этилган эди...

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримов, академик Жуманазар Бозорбоев, адабиётшунос олимлар Каримбой Қурамбоев, Комил Ташанов Эркин Воҳидов асарларининг юксак бадиияти ва жозибаси, шоир шеъриятидаги лутфу малоҳат, шоирнинг камтар ва комил инсон, кенг қалб эгаси экани ҳақида сўзладилар.

Чимбой туманидаги академик лицей, Кўнғиротдаги тиббиёт коллежи, Берунийдаги мусиқа мактабида ҳам улуғ шоир хотирасига бағишланган адабий кечалар бўлиб ўтди.

Тадбирларда Жиянбой Избосканов, Бахтиёр Генжамурод, Алланазар Абдиев, Янгибой Қўчқоров, Мунаввара Қурбонбоева ва бошқа ижодкорлар ўз шеърлари ва шоир шеърларидан ўгирган янги таржималари билан фаол иштирок этдилар.

***

Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 111-мактабда “Эркин Воҳидов — ҳар бир сўзи халқ дилидан жой олган шоир” мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Унда шоирлар, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари, маҳалла оқсоқоллари ва ота-оналар иштирок этди. Тадбирни мактаб раҳбари Одина Зияева очиб, ҳукуматимиз томонидан адабиётга, маънавиятни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор, айниқса, халқимизнинг севимли шоири таваллудининг табаррук санасини адабиёт байрами сифатида нишонлаш тўғрисида қабул қилинган қарор ёшлар, мактаб ўқувчиларини Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлгани ҳақида сўзлади.

Таниқли шоирлар Турсун Али, Исмоил Маҳмуд Марғилоний устоз Эркин Воҳидовнинг серқирра ижоди, дилбар шеърияти, ўқувчилар меҳрини қозонган таржималари, жамоат арбоби сифатидаги фаолияти, ибратли инсоний фазилатлари ҳақидаги дил сўзларини изҳор этдилар. Устоз хотирасига бағишланган шеърларини, унинг ғазалларига боғлаган муҳаммасларини ўқиб бердилар.

Мактаб саҳнасида ўқувчилар томонидан улуғ ижодкорнинг драматик асарларидан лавҳалар ижро этилди.

Назира ТОШОВА,
111-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Газетанинг навбатдаги сони 2017 йил 1 январь, якшанба куни чиқади.

МУСИҚИЙ АНЖУМАН

Саньат даргоҳларида

Бугун мумтоз ашула усталари, миллий ва эстрада қўшиқчилигимиз намояндалари ҳамда ёш хонандалар, европа ва миллий чолғуларнинг моҳир ижрочилари номини фақат юртимизда эмас, бутун дунёда ҳам яхши билишади. Миллий мусиқа санъатимиз довруқ қозонишида, шубҳасиз, Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоасининг муносиб ҳиссаси бор.

1936 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур даргоҳ мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан қуриб битказилган замонавий бинода фаолиятининг янги босқичини бошлади. Ҳозир ўқув юртида мусиқашунослик, фортепиано, академик хонандалик ва хор дирижёрлиги, бастакорлик, оркестр чолғулари ва эстрада санъати, Шарқ мусиқаси факултетлари, қатор кафедралар, мусиқий театр-студия, ахборот-ресурс маркази, маънавият-маърифат ва иқтидорли болалар билан ишлаш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, халқаро алоқалар бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, “Миллий чолғу” илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси, фонотека бўлими, овоз ёзиш студияси ҳам самарали иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясида ушбу даргоҳ ташкил этилганининг 80 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда бошқа ташкилот ва идоралар вакиллари, консерватория ўқитувчи-профессор ва талабалари, илмий жамоатчилик қатнашди.

“Ёшлар маънавиятини юксалтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги анжуманда фан докторлари Р.Абдуллаев, Т.Фофурбеков, санъатшунослик фанлари номзодлари И.Галушенко, О.Тошматоваларнинг илм даргоҳининг тарихи ва бугуни, халқаро миқёсдаги фаолияти, унинг келажаги, “Миллий чолғу” лабораториясида олиб борилаётган ишларга доир маърузалари тингланди.

Шуниси эътиборга лойиқки, бугун консерваторияда профессорлар Т.Фофурбеков, О.Азимова, Р.Абдуллаевнинг мусиқа санъати муаммоларини, ўзбек мусиқасининг назарий масалаларини, миллий мусиқий меросни ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш мактаблари, Ўзбекистон халқ артистлари М.Йўлчиева, М.Раззоқова, М.Тожибоев, Э.Рўзматовнинг илмий-ижодий мактаблари шаклланган.

Муҳими, олий ўқув юрти педагог ва талабалари фаолияти ўзбек мусиқа санъатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, жумладан, миллий меросимиз гултожи саналмиш Бухоро “Шашмақом”и, Хоразм мақомлари, Тошкент-Фарғона мақом йўллари ва XX аср ўрталарида юзага келган ўзбек “Шашмақом”ини узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ўқув жараёнига сингдиришдек катта мақсад кўзланган.

Ўз ахборотимиз.

ТОШКЕНТ ҚУВОНЧЛАРИ

Ўзбекистон ва жаҳон

Пойтахтимизда “Тошкент қувончлари” VI Халқаро болалар расмлари Биенналеси очилди. Бадиий академиянинг кўргазмалар залини безаб турган турли мамлакат болалари тақдим этган суратларда тинч-осойишта оламда бахтли болалик орзулари содда ва самимий тарзда тасвирланади.

Танловга беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болаларнинг уч мингдан зиёд расмлари тақдим этилган. Улардан минг нафари ўзбекистонлик болаларнинг ижод намунасидир. Албатта, уч мингта яқин ишларни баҳолаш осон эмас. Шу боис ҳайъат аъзолари республикамизнинг энг таниқли рассомларидан таркиб топган. Биенналеда “Болалик дунёси”, “Менинг Ватаним”, “Мен яшаётган дунё”, “Мен билган Ўзбекистон” каби мавзулардаги асарлар намойиш этилмоқда.

Бу йилги Биенналеда иштирокчи мамлакатлар сони йигирматага етгани танловнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолатдир. Қозоғистон, Хитой, Белгия, Россия, Малайзия, Латвия, Ҳиндистон, Австрия, Миср, Сингапур, Руминия, Франция каби мамлакатлар болаларининг тадбирга қизиқиши катта. Кўргазмада АҚШ, Афғонистон, Исроил болалари илк бор иштирок этишяпти. Айниқса, Германия ва Литва болалари чизган расмлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

— Бугун қилаётган ишларимизнинг барчаси фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун хизмат қилади, — дейди Бадиий академия раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нуриддинов. — Республикамизда ўн иккита ихтисослашган санъат мактаблари фаолият юритмоқда. Мазкур мактаблардан ўнлаб иқтидорли кулоллар, рассомлар, ҳайкалтарошлар етишиб чиқмоқда. Бундай кўргазмалар аслида болалар учун катта байрам. Танловни ўтказишдан асосий мақсад янги иқтидорларни излаб топиш, мамлакатимиз болаларини дунёдаги тенгдошлари ижоди билан яқиндан таништириш, уларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш, қолаверса, жаҳон тарихи ва маданиятига қизиқишини янада оширишдир.

— “Менинг орзуим” суратим намойишдан жой олганидан жуда хурсандман, — дейди шаҳримиздаги 160-мактаб ўқувчиси Азимжон Рустамов. — Унда бир бола ер шарини ушлаб, қўшга тутиб турибди. Қўш ҳамма вақт нур сочиб, ер эса атрофида айланиб туришини орзу қиламан.

Бадиий академия, Маданият ва спорт ишлари, Ташқи ишлар, Халқ таълими вазирликлари, “Маҳалла”, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган танлов ғолибларига битта Гран-при, еттита олтин, еттита кумуш, еттита бронза медали, иштирокчиларга эса сертификатлар топширилади. Йигирмадан ортиқ мамлакат болалари ижодини Тошкентга жамлаган расмлар Биенналесининг якуний маросими бугун Бадиий академиянинг кўргазмалар залида бўлиб ўтади.

С.ҚОСИМОВА

Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми
Низомитдин ХОЛИҚОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.56

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3663. Буюртма S — 7798. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.
ISSN 2181-614X